Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 76 (6966). • 21 апрель, 1979 йил • ШАНБА • Баҳоси 2 тийин.

КРЕМЛДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Доҳий, революционер ва мутафаккир, Коммунистик партиянинг бунёдкори, ишчи ва деҳқонларнинг дунёда биринчи давлатининг асосчиси, жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси — Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 109 йиллигини совет халқи ва у билан бирга бутун тараққийпарвар инсоният ҳам порлоқ байрам сифатида нишонламоқда.

Жаҳон тарихининг янги даврини очган музаффар пролетар революцияси йигирманчи асрга Маркс билан Энгельс улуғ ишининг давомчиси — Ленин номи билан кирди. Жаҳон социализм мамлакатларининг ҳамдўстлиги асримизга Ленин номи билан кирди. Планетада марксизм-ленинизм байроғи остида озодлик ва адолатга, социализмга, ижтимоий тараққиёт чўққиларига интилувчи жўшқин ҳаракат кучайиб, кенгайиб бормоқда.

Ленин КПСС XXV съездининг оқилона қарорларида, партиямиз Марказий Комитетининг, атоқли марксчи-ленинчи ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг тинимсиз самарали фаолиятида яшаб келмоқда. Ленин совет давлатининг ўсиб бораётган қудратида, КПСС XXV съезди улуғвор режаларини муваффақиятли амалга ошираётган халқимизнинг улуғ зафарларида яшаб келмоқда.

20 апрель куни Кремлнинг съездлар саройида шонли санага бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Пойтахт ва Москва области ишлаб чиқариш илғорлари ҳамда новаторлари, партия ветеранлари, фан ва маданият арбоблари, совет Қуролли Кучларининг жангчилари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари шу ерга тўпланишди. Чет эллик дипломатлар, ажнабий меҳмонлар, совет ва чет эл журналистлари ҳозир бўлишди.

Соат 17. Мажлис қатнашчилари **Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громыко, А. Н. Косигин, А. Я. Пельше, М. А. Суслов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин, К. В. Русаков, М. С. Горбачев** ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Л. Корвалан, Уругвай Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Арисменди. Ироқ Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Муҳаммад ҳам президиумда ўтиришибди.

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, СССР Олий Совети палаталарининг Раислари, КПСС Москва шаҳар комитети ва Москва область комитетининг секретарлари, Ленин партиясининг ветеранлари, саноат ва қишлоқ хўжалигининг донгдор меҳнатчилари, таниқли ҳарбий бошлиқлар, СССРнинг космонавт учувчилари, олимлар, жамоат ташкилотлари ва ижодий ташкилотларнинг вакиллари, чет эллик меҳмонлар ҳам шу ерда.

Тантанали мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари **В. В. Гришин** очди.

Совет Иттифоқи гимни янграйди.


«КПСС Ленин байроғини баланд кўтариб бормоқда» деган мавзуда КПСС Марказий Комитетининг секретари **И. В. Капитонов** доклад қилди.

Доклад эътибор бериб тингланди ва қарсаклар билан қайта-қайта бўлиниб турди.

Тантанали мажлис қатнашчилари ўринларидан туриб партия гимни «Интернационал»ни айтадилар.

Сўнгра катта байрам концерти қўйиб берилди.

(ТАСС).



КОММУНИСТИК ПАРТИЯНИНГ ВА ДУНЁДА БИРИНЧИ СОЦИАЛИСТИК ДАВЛАТНИНГ БУНЁДКОРИ ВА РАҲБАРИ ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИННИНГ НОМИ ВА ИШИ АСРЛАР БЎЙИ ЯШАЙВЕРСИН!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан)

КПСС ЛЕНИН БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРИБ БОРМОҚДА

В. И. Ленин туғилган куннинг 109 йиллигига бағишланиб Москвада ўтказилган тантанали мажлисда ўртоқ И. В. КАПИТОНОВ доклади

Ўртоқлар!

Ҳар йили партиямиз, совет халқи, барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари Владимир Ильич Ленин туғилган кунни табаррук, унутилмас сана деб тантанали нишонлайдилар. Бугун ҳам биз энг улуғ инсонга, унинг сўнмас ғояларига қайта-қайта нигоҳ ташлаймиз, коммунизмга қўяётган қадамимизни унинг ғояларига қиёс этамиз.

Ленин яшаб, ишлаган замон тарихда нақадар узоқлашиб борса, унинг ижод қилган асарлари бутун улуғворлиги ва жаҳоншумул моҳияти кўз ўнгимизда тобора равшан намоён бўлаверади. Марксизм ривожидаги бутун бир давр Ленин билан боғланган. Ленин янги тарихий шароитларда Маркс ва Энгельс таълимотининг мусаффолигини қаттиқ туриб ҳимоя қилди, уни принципиал муҳим хулосалар ва кашфиётлар билан бойитди.

Лениннинг бебаҳо хизмати шундан иборатки,— деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев,— у турмуш ўртага қўйган энг ўткир саволларга жавоб берди, империализмга қарши, социал ва миллий зулмга қарши, социалистик революциянинг ғалабаси ва коммунизм тантанаси учун курашнинг энг таъсирчан формаларини кўрсатиб берди.

Доҳий мутафаккир, революциянинг тенгсиз стратеги ва тактиги бўлган Ленин революцион назарияни турмушга бошқа ҳар қандай кишидан кўра яхшироқ татбиқ қила олди, уни омманинг ижоди билан бирга қўша олди. У янги типдаги пролетар партиясига асос солди, уни ғоявий ва ташкилий жиҳатдан қуроллантирди, унинг ишчилар синфи иши учун фидокорона курашига бошчилик қилди. Ленин партияси раҳбарлигида Улуғ Октябрь социалистик революцияси амалга оширилди, ишчи ва деҳқонларнинг дунёда биринчи давлати барпо этилди. Шу тариқа инсоният тарихида янги давр — капитализмдан социализмга ўтиш даври очилди.

Ленинизм планетамиз бўйлаб ғолибона қадам ташламоқда, тобора кўпроқ сидқидил тарафдорлар ва издошлар унинг томонига ўтмоқдалар. Унинг революцион-ўзгартувчилик кучи, ғоят теран инсонпарварлиги, интернационал моҳияти тобора тўла-тўкис намоён бўлмоқда.

СССРда барпо этилган ривожланган социализм жамияти ленинизмнинг чинакам тантанаси бўлди. Қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари ленинизм байроғи остида янги ҳаёт қурмоқдалар, социалистик ҳамдўстлигимиз доимо мустаҳкамланмоқда.

Ленинизм ғоялари халқаро коммунистик, ишчи ва миллий-озодлик ҳаракатининг ривожига жуда катта самарали таъсир ўтказиб келди ва ўтказмоқда. Бу ғоялар ҳамма қитъаларда социал ва миллий озодлик учун, империализмга, мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши, демократик ўзгартиришлар учун, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун курашаётган миллион-миллион кишиларга илҳом бермоқда.

Совет халқи Ленин туғилган куннинг 109 йиллигини ўз ижодий кучлари барқ уриб яшнаган бир пайтда, ялпи сиёсий ва меҳнат жўшқинлиги вазиятида, КПСС XXV съезди режаларини, ўнинчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажаришга азми-қарор бериб кутиб олмоқда. У ўзининг синалган авангарди — Коммунистик партия раҳбарлигида Ленин йўлидан коммунизм сари комил ишонч билан олға бормоқда!

Халққа хизмат қилиш—Ленин партиясининг олий вазифаси

Ўртоқлар!

Ленин ўзининг бутун сермазмун умрини, ўзининг бутун даҳосини жамиятни революцион қайта тузиш учун, ишчилар синфини, барча меҳнаткашларни озод қилиш учун, инсониятнинг порлоқ келажаги учун курашга бағишлади. У партиямизга шундай таълим берди, буни олий вазифа деб билди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Ленин васиятларига қатъият билан амал қилиб келмоқда. Партия халқ учун яшайди, унинг таркибий қисми бўлиб, у билан узилмас ришталар орқали боғланган. Партиянинг бутун фаолияти халққа садоқат билан хизмат қилишдан иборат. Коммунизм сари олға борилган сайин КПССнинг маънавий-сиёсий обрў-эътибори ўсмоқда, унинг совет жамияти раҳбар ва раҳнамо кучи сифатидаги роли тобора тўла-тўкис намоён бўлмоқда. Халқимиз жонажон Ленин партияси теварагида маҳкам жипслашган, унга сидқидилдан ишонади, унинг ички ва ташқи сиёсатини бажонидил қўллаб-қувватлайди.

Аммо, Леонид Ильич Брежнев уқтириб ўтганидек, халқнинг ишончи — талабчан ишонч. Шу сабабли партиянинг ҳар бир қарори, унинг сиёсатдаги, ташкилий ва ғоявий-тарбиявий ишдаги ҳар бир қадами партия билан халқнинг бирлигини янада кўпроқ мустаҳкамлайдиган, халқнинг партияга бўлган ишончини бундан буён ҳам кучайтирадиган бўлиши керак.

КПСС ўз сиёсатига, ўз составига, фаолият методларига кўра Ленин тушунчасидаги омманинг партиясидир. Партия тарихнинг турли босқичларида қайси масалаларни ҳал этмасин, у ҳамиша меҳнаткашларнинг манфаатларига асосланиб келди ва асосланмоқда, уларнинг манфаатларини ҳамма нарсадан юқори қўймоқда.

Партия келажакка ўткир зеҳн билан назар ташламоқда, ижтимоий ривожланиш истиқболларини марксизм-ленинизм назариясини ижодий татбиқ этиш асосида белгилаб бермоқда, халққа олға ҳаракат йўлларини илмий равишда кўрсатиб бермоқда, омманинг буюк куч-ғайратини қулф урдирмоқда.

Коммунизм қуриш учун кураш назарияси, стратегия ва тактикасининг ҳозирги замондаги туб проблемалари партия XXIII, XXIV ва XXV съездларининг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларида, СССРнинг янги Конституциясида атрофлича ишлаб чиқилди. Бу ҳужжатлар мамлакат тақдири тўғрисидаги, халқ фаровонлиги ҳақидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. Уларда баён этилган қоидалар марксизм-ленинизм хазинасига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Уларни партия, бутун халқ ўзига ишончли қурол қилиб олди, бу ҳужжатлар коммунистик бунёдкорликнинг улуғвор вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам бермоқда.

Илмий асосланган сиёсий йўлнинг изчиллик билан ўтказилиши етук социализм имкониятларидан тобора тўла-тўкис фойдаланишни, совет жамиятининг моддий ва маънавий кучларини узлуксиз ривожлантиришни таъминлайди, белгиланган мақсадларга муттасил эришиш имконини беради. Бунда КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ва шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг роли жуда муҳимдир.

Улуғ Ленин ишининг муносиб давомчиси, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Леонид Ильич Брежнев партиянинг бош йўлини, унинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаш ва амалга оширишга жуда катта ҳисса қўшмоқда. Нодир илмий башорат истеъдоди, ижтимоий ҳодисалар моҳиятини чуқур фаҳмлаш қобилияти соҳиби бўлган ўртоқ Л. И. Брежнев практика ўртага қўяётган вазифаларни ҳал этишга ленинча донишмандлик ва олисни кўриш иқтидори билан ёндошмоқда. Унинг етук социализмнинг, сиёсий системамизни такомиллаштиришнинг, янги инсонни камол топтиришнинг туб проблемаларини, партия қурилишининг актуал масалаларини ишлаб чиқишдаги хизматларини ҳамма эътироф қилди.

Юксак принциплар соҳиби, букилмас иродали, қалби дарё инсон — ўртоқ Л. И. Брежнев одамларни жипслаштириш ва руҳлантириш санъатини мукаммал эгаллаб олган. Унинг бевосита таъсирида партияда аҳиллик билан коллектив ишлашнинг соғлом вазияти вужудга келди.

Бу вазиятда одамларга ишонч принципиал талабчанлик билан бирга қўшилмоқда. Бу эса жамиятимизнинг бутун турмушига хайрли таъсир қилмоқда.

Леонид Ильич халқ бахт-саодати йўлидаги, коммунизм ва ер юзида тинчлик тантанаси йўлидаги тинимсиз фаолияти туфайли совет кишиларининг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг ғоят зўр ҳурмат ва муҳаббатини қозонди!

Ўртоқлар! Партиянинг бутун сиёсати — амалдаги ленинизмдир. Халқнинг энг зарур манфаатлари, ижтимоий ривожланишнинг объектив эҳтиёжлари партия сиёсатида ўзининг жамул-жам ифодасини топмоқда. Меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини муттасил ошириш ҳамиша партиянинг олий мақсади бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Партия ишлаб чиққан иқтисодий стратегия аввало шу мақсадга қаратилган. КПСС бу стратегияни амалга ошириб, коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этиш вазифаларини планли равишда ҳал этмоқда, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашни, унинг миллий бойликларини кўпайтиришни таъминламоқда.

Партия ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш йўлини ўтказмоқда, фан-техника тараққиётини меҳнат унумдорлигини кўтаришнинг бош воситаси деб билиб, уни жадаллаштиришга, меҳнат шароитини тубдан яхшилаш ва енгиллаштиришга интилмоқда. Бунда социалистик меҳнатнинг коммунистик меҳнатга қадам-бақадам ўсиб ўтиши учун моддий негиз бўлмиш автоматлаштириш ва комплекс механизациялашга зўр эътибор берилмоқда.

Шуни таъкидлаш зарурки, бизнинг жамиятимизда капитализмдан фарқли ўлароқ, техника тараққиёти ишсизликни келтириб чиқармайди, балки меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан тўла таъминланиши билан қўшиб олиб борилади.

Партиянинг ҳозирги аграр сиёсати туб ижтимоий-иқтисодий проблемаларни ҳал этишга бўйсундирилган, бу сиёсатга КПСС Марказий Комитетининг 1965 йил март Пленуми асос солган эди. Партиянинг энг муҳим ҳужжатларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг асарларида бу сиёсат ривожлантирилди ва чуқур асослаб берилди.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми партиянинг аграр сиёсатини янада мукаммал ишлаб чиқиш ва амалга оширишда янги муҳим босқични бошлади. Орттирилган тажриба ва эришилган натижаларни ҳисобга олиб, қишлоқ хўжалиги барча тармоқларини атрофлича ривожлантириш ва уларнинг самарадорлигини оширишнинг кенг программаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Бу программанинг бош мақсади — мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пухта таъминлашдан, халқ фаровонлигини янада юксалтиришни, шаҳар ва қишлоқнинг моддий ва маданий турмуш шароитларини бир-бирига яқинлаштиришни таъминлашдан иборат.

Ҳозирги аграр сиёсат — етук социализм даврида Ленин кооператив планининг бевосита давоми ва ижодий ривожидир. Партиямиз бу сиёсатни бундан буён ҳам зўр изчиллик ва қатъият билан ўтказаберади!

КПСС мамлакатимизнинг ғоят бой табиий ресурсларини халққа хизмат қилдириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилмоқда. Партиянинг ташаббуси билан Ғарбий ва Шарқий Сибирь, Шимол ва Узоқ Шарқ, Россиянинг ноқоратупроқ зонаси бойликларини ўзлаштириш ҳамда ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг улуғвор комплекс программалари ишлаб чиқилди. Бу программаларнинг амалга оширилиши халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, шу билан бирга, катта социал моҳиятга ҳам эгадир.

Партия билан давлат социалистик экономиканинг ошиб бораётган имкониятлари ва ютуқларига таяниб КПСС XXIV ва XXV съездларининг қарорларига биноан халқ турмушини яхшилаш учун ҳамма ишни қилмоқдалар. Зотан ҳар бир оила, ҳар бир совет кишиси буни яққол сезиб турибди.

Тўққизинчи ва ўнинчи беш йилликлар даврида мамлакатнинг бутун тарихи мобайнидаги энг катта социал тадбирлар амалга оширилди. Кўпчилик ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи ўсди, колхозчиларнинг меҳнат иш ҳақи кўпайди, ижтимоий истеъмол фондлари анча кенгайтирилди. Натижада аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 37 процент ортди.

Салкам 90 миллион киши, яъни мамлакат аҳолисининг учдан бир қисми янги квартираларга кўчиб ўтди ёки уй-жой шароитларини яхшилаб олди. Халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ошмоқда, шу молларнинг турлари кўпаймоқда. Савдо-сотиқ ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш янада ривож топди.

Халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш такомиллаштирилмоқда, фанимиз ва социалистик маданиятимиз янги чўққиларга кўтарилмоқда. Ёшларга умумий ўрта маълумот беришнинг амалга оширилиши муҳим социал аҳамиятга эгадир. Мамлакатимизда халқаро болалар йили болаларнинг соғлиғи ва тарбияси тўғрисидаги ғамхўрликни кучайтириш белгиси остида ўтмоқда. Партия программасига ёзиб қўйилган: «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт саодати учун!» деган шиор шу тариқа рўёбга чиқарилмоқда.

Партиянинг ленинча ташқи сиёсати жамиятимиз, барча совет кишилари турмушига жуда катта таъсир ўтказмоқда. Совет республикалари экономикаси ва маданияти, барча миллат ва элатларнинг қардошларча ҳамкорлиги, ўзаро ёрдами ва яқинлашуви ҳар томонлама ривож топмоқда. Партия миллий сиёсатининг яққол кўриниб турган чинакам тарихий натижалари ана шулардан иборат.

Ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг мустаҳкам иттифоқи, мамлакатдаги миллат ва элатларнинг мустаҳкамланиб бораётган дўстлиги асосида жамиятимизнинг социал бир хиллиги чуқурлашмоқда, одамларнинг янги тарихий бирлиги бўлмиш совет халқи янада жипслашмоқда.

Ўртоқлар! Партия ўзининг бутун кўп қиррали, сиёсий, ташкилотчилик ва мафкуравий фаолияти билан шу жараёнларга актив таъсир ўтказмоқда. Айни вақтда унинг ўзи ҳам доимо ривожланиб, мустаҳкамланмоқда, янги сиёсий тажриба билан бойимоқда. Эндиликда партиямиз ирода ва ҳаракат бирлиги билан маҳкам жипслашган, салкам ўн етти миллион коммунистларнинг қудратли армиясидир!

КПСС ўз вазифаси юксаклигида туриш учун партия сафларининг жанговарлик қобилиятини тинимсиз оширмоқда, ички партия турмушини, жамиятга раҳбарлик қилиш форма ва методларини такомиллаштирмоқда.

Етук социализм шароитида КПСС ўз табиатига кўра, ишчилар синфининг партияси бўлиб қолабериш билан бирга, бутун халқнинг партияси сифатида ривожланмоқда. У халқ орасига чуқур томир ёйган, халқдан доимо янги-янги, навқирон кучларни олиб турибди. Партиянинг ғоят кенг меҳнаткашлар оммаси билан мустаҳкамланиб бораётган алоқалари, унинг аҳоли турли қатламлари ўртасидаги обрў-эътибори ва таъсири ошаётганлиги партия сафлари составининг ўсишида ва сифатининг яхшиланишида ўзининг конкрет ифодасини топади.

XXV съезддан кейингина партияга бир миллион тўққиз юз мингга яқин киши кирди. Партияга янги кирган кишиларнинг 59 проценти — илғор ишчилардир. Колхозчи-деҳқонлар, халқ зиёлилари, хотин-қизлар, ёшларнинг энг яхши намояндалари партияга кириши доимо кўпайиб бормоқда.

Партиянинг фаолияти ленинча нормалар ва принципларнинг метин негизига қурилиши туфайли КПССнинг ижодий имкониятлари, ташкилий қудрати кўп карра ошмоқда. КПСС Марказий Комитетининг бу йил 15 йил тўладиган 1964 йил октябрь Пленуми шу норма ва принципларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда бениҳоя муҳим роль ўйнади.

(Давоми 2-бетда).



Суратда: СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси пайти. Ўртоқ Л. И. Брежнев шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги Фармонга ва ратификация ёрлиғига имзо чекмоқда.

В. Мусаэльян ва Э. Песов фотоси. (ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев раислигида 20 апрель куни Кремлда ўнинчи чақириқ СССР Олий Совети Президиумининг биринчи мажлиси бўлди.

Л. И. Брежнев мажлисни очиб, Президиум аъзоларини СССР Олий Совети доимий ишловчи органи составига сайланганликлари билан самимий табриклади ҳамда Президиум аъзоларининг ҳар бири партия билан Олий Советнинг ишончини оқлаш учун куч ва ғайратини аямайди, деб ишонч билдирди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари **В. В. Кузнецов** Президиум аъзолари номидан ўртоқ Л. И. Брежневни яна СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланиши билан самимий муборакбод этди.

Президиумнинг составини, деб таъкидлади Л. И. Брежнев, янги депутатлар билан тўлди. Шу билан бирга унга илгари ҳам бу ерда ишлаган кўпгина ўртоқлар киритилди. Бу эса ишдаги изчилликни таъминлаш имконини беради, давлат турмушининг олдимизда турган масалаларини ишнинг кўзини билиб, коллектив тажрибага таяниб, ҳал этиш имконини беради.

СССР Конституцияси қабул этилиши билан бутун ишимизда янги истиқболлар очилишини илгари ҳам гапирган эдим. Социалистик демократияни янада ривожлантириш совет жамияти ривожининг принципиал муҳим йўналишидир.

Хўш, ҳозирги босқичда социалистик демократияни ривожлантиришдаги асосий нарса нимадан иборат? Ўйлайманки, экономикада бўлгани каби демократиямизнинг самарадорлиги ҳам диққат марказида туриши керак. Жамият билан шахс манфаатлари амалда узвий равишда бирга қўшилиши учун айни шу нарса зарур.

В. И. Ленин таъкидлаб ўтганидек, ишлаб чиқарувчи кучларни ва маданиятни ривожлантириш ишида олға силжиш, юқорига кўтарилишда биз муваффақ бўладиган ҳар бир босқичда совет системамизни такомиллаштириш ва қайта қуриш билан шуғулланмоқ лозим.

Сессияда совет ҳокимияти барча органлари ва аввало, СССР Олий Совети ва унинг Президиуми ишининг энг асосий йўли белгилаб берилди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчиманки, СССР Конституциясининг, энди эса Олий Совет регламентининг, доимий комиссиялар тўғрисидаги янгиланган низомнинг, халқ депутатлари статуси тўғрисидаги қонуннинг қабул этилиши ишимиз учун пишиқ-пухта ҳуқуқий пойдевор яратади.

Бинобарин, қонунларимизнинг нормалари тўла ҳажмда амал қилиши, имкони борича кўпроқ самара бериши — бош вазифалардан биридир, деб таъкидлади Л. И. Брежнев.

(Давоми 3-бетда)

КПСС ЛЕНИН БАЙРОҒИНИ БАЛАНД КЎТАРИБ БОРМОҚДА

(Бошн 1-бетда).

Марказий Комитет октябрь Пленумининг, КПСС XXIII, XXIV ва XXV съездларининг қарорлари таъсирида партия турмуши ленинча нормалари ва раҳбарлик принципларининг ҳаётбахш кучи тобора тўлароқ намоён бўлмоқда. Демократик централизмнинг изчиллик билан ўтказилиши, ички партия демократиясининг кучайиши коммунистларнинг юксак онгдилиги ва интизомлилигини, уларнинг партия сиёсати ва қарорларини ишлаб чиқишдаги ҳамда амалга оширишдаги актив иштирокини таъминламоқда.

Бу нарса партияда яқинда бўлиб ўтган ҳисобот ва сайловларда айниқса равшан намоён бўлди. Ҳисобот сайловлар ишчанлик билан, кенг ошкоралик, юксак ўзаро талабчанлик, принципиал танқид ва ўз-ўзини танқид асосиятида ўтди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари ички партиявий муносабатларнинг ташаббуси, маданий ва давлат қурилиши барча соҳаларидаги ишлар учун юксак масъулиятини кўрсатди. КПСС XXV съезди қарорлари ва йўл-йўриқларини, беш йиллик топшириқларини бажариш соҳасидаги конкрет вазифаларни белгилади.

Шу муҳим сиёсий кампания натижасида партиянинг ҳамма бўғинлари янада кўпроқ сафарбар бўлиб, янада кучлироқ ва ишчанроқ бўлиб қолдилар. Коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги авангардлик роли ўсди. Ҳисобот ва сайловлар партиямизнинг метин бирлигини, унинг ленинчи Марказий Комитет теварагида маҳкам жипслашганлигини яна бир карра намойиш қилди.

Лениндан мерос бўлиб қолган иш услуби — ўз моҳияти эътибори билан ижодий чуқур демократик услуб — бизнинг бебаҳо мулкимиз ва жуда кучли қуролимиздир. Бу услуб партияда мустаҳкам қарор топди ва коммунизм қуриш учун кураш манфаатларига жуда яхши хизмат қилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг, Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг фаолияти ленинча услубнинг чинакам намунасидир. Бу — қандай қилиб чинакам ленинчасига ишлаш, коммунистик қурилишнинг ҳамма вазифаларини ҳал этишга умумхалқ манфаатлари позицияларида туриб илмий ёндашишнинг ажойиб тимсолидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси халқ олдидаги ўз тарихий бурчини шараф билан бажараётганлигининг, халқ ишончини оқлаётганлигининг бонси шуки, у ленинизм ғояларини изчиллик билан амалга оширмоқда.

Омманинг жонли ижодкорлиги—Коммунистик бунёдкорликнинг асосий омили

Ўртоқлар!

КПСС марксизм-ленинизмнинг халқ тарих ижодкори, янги жамиятни барпо этиш унинг меҳнати, ғайрат-шижоати ва ақл-идроки самараси деган таълимотига доим асосланиб келмоқда.

Партия меҳнаткашларни ғоштириб, уларнинг куч-ғайратини қўйилган мақсадларга эришиш учун ҳамиша сафарбар қила олди. Жўшқинлигини ҳаёт ўзи мобайида саноат маҳсулоти 80 миллиард сўмликдан зиёд ортди.

Бу — эллигинчи йилларнинг ўрталарида ҳар йили ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг бутун ҳажмига тенгдир.

Қишлоқ хўжалиги анча тез суръатлар билан ривожланди. Ўтган йили қишлоқ меҳнаткашларининг, бутун совет халқининг зўр ғайратшижоати туфайли ҳосил учун оғир курашда ғалабага эришилиб, рекордли миқдорда дон етиштирилди. Россия Федерацияси, Украина ва Қозоғистон деҳқонлари ана шу шонли ғалабага жуда кўп ҳисса қўшдилар. Кўриқ ерлардаги районлар бутун ғалланинг қарийб ярмини тайёрлаб берди. Биз ҳали яқиндагина кўриқ ерларни ўзлаштириш янгирма беш йиллигини нишонладик.

Кўриқ ерларнинг қаҳрамонона достони ватанимиздаги жуда кўп ер бойликларидан фойдаланиш ҳақидаги ленинча ғоялар амалга оширилганлигини ёрқин кўрсатиб берувчи намунадир. Леонид Ильич Брежнев бу соҳада жуда катта роль ўйнаганлиги аёндир. Леонид Ильич Брежневнинг жўшқин ғайрат-шижоати, талантли ташкилотчилик фаолияти оммани буюк меҳнат зафарларига отлантирди.

Ўртоқлар! Ривожланган социализм шароитида хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида меҳнаткашларнинг ўз - ташаббуси ва ғайратини рўёбга чиқаришлари учун кенг йўл очилди. Бу эса социалистик мусобақанинг мислсиз кенгайиб кетганлигида, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатида ўзининг жуда яққол ифодасини топмоқда.

Москва, Ленинград ва мамлакатнинг бошқа энг йирик индустриал марказлари меҳнаткашлари ҳар қачонгидек ҳозирда ҳам мусобақадошларининг олдинги сафларида бормоқдалар.

Ленин ҳар қандай вазифаларни ҳал этишда «Меҳнаткашлар оммасининг ўзидан чиққан эркин ташаббус»га таянин керак, деб таълим берди. (тўла асарлар тўпламн, 12-том, 74-бет). Бизнинг партиямиз, унинг Марказий Комитети ана шу принципга амал қилиб, ишлаб чиқариш новаторлари ва меҳнат коллективларининг илғор тажрибасини, социалистик мусобақа жараёнида ҳамиша вужудга келаётган қимматли ташаббусларини бутун чоралар билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Ростовликларнинг намунаси билан қолоқларсиз ишлаш ҳаракати, Москвадаги қурилишларда вужудга келган бригада пудрати, Ипатово ва Ямполь қишлоқ меҳнаткашларининг ташаббуси, ленинградликларнинг транспортнинг хилма-хил турларидан самарали фойдаланиш соҳасидаги тажрибаси каби кўпгина ватанпарварлик ташаббуслари тобора кенг ёйилмоқда.

Партия мусобақага раҳбарлик қилиш, янги, прогрессив ташаббусларни жорий этиш — расмиятчиликка тоқат қила олмайдиган жонли иш деб ҳисоблайди. Бунда чинакам ишчанлик, конкрет иш олиб бориш, юксак даражадаги оперативчилик талаб этилади.

Мусобақа ҳусусидаги шовқин-сурон ва дабдабабозлик, — деб таъкидлайди Ўртоқ Л. И. Брежнев,— бизга керак эмас. Бизга ҳар бир меҳнаткашнинг, ҳар бир меҳнат коллективининг ўз ишини яхшилашдан астойдил манфаатдорлиги керак. Уйдирма «ташаббуслар» бизга керак эмас. Бизга миллионмиллион кишиларнинг қалбига йўл солиб, илҳомлантира оладиган, ҳақиқатан ҳам халқ орасида пайдо бўладиган амалий ташаббуслар керак.

Партия самарадорлик ва иш сифатини ошириш вазифасини иқтисодий фаолиятнинг асосий вазифаси деб ўртага қўйди ва бунда авало, социалистик мусобақани, меҳнаткашларнинг бутун ижодий ғайрат-шижоатини шу вазифани бажаришга сафарбар қилмоқда.

Омманинг ташаббусига астойдил таяниб иш кўриш планларимизни мавжуд планларга айлантириш, уларнинг ошириб бажарилишига эришиш, иқтисодий юксалишнинг барча янги резервларини қидириб топиб, ишга тушириш имконини беради. Беш йилликнинг уч йили мобайнида муқобил планлар ва социалистик мажбуриятларни бажариш натижасида топшириқларга қўшимча равишда қарийб 11 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинганлигини айтиб ўтиш кифоя. Шу давр ичида рационализаторларнинг 12 миллиондан зиёд таклифлари ва ихтиролари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бунинг натижасида 16 миллиард сўм иқтисод қилинди. Меҳнаткашларнинг ижодий ташаббуси шундай натижалар бермоқда!

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети эришилган муваффақиятларга муносиб баҳо бериш билан бирга партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик органларининг, барча меҳнаткашларнинг диққат-эътиборини мавжуд камчиликларга, ҳал қилинмаган проблемаларга жалб этади. Капитал қурилишни янада яхшилаш, мамлакатнинг металл ва ёқилғига, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, халқ истеъмол қиладиган молларга ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, транспорт ишини такомиллаштириш керак.

1979 йил халқ хўжалик планини, умуман ўнинчи беш йиллик планини тўла ва оширib бажариш, иқтисодий тараққиётнинг интенсив омилларидан тўлароқ фойдаланиш — ҳозирги кунда олдимизга турган биринчи навбатдаги вазифадир. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль ва ноябрь Пленумларининг қарорлари партияни ва халқни шунга чорлайди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун юксак пировард натижаларга эришишнинг энг самарали ва энг тежамли йўлларини қидириб топиш, интизом ва уюшқоқликни янада кучайтириш талаб этилади.

Бизнинг халқимиз партиянинг 1979 йилни зарбдор меҳнат йилига айлантириш, ленинча, коммунистларча яшаш, ишлаш ва курашишга даъват этган чақирифини астойдил қўллаб-қувватлади. Минг-миллаб коллективлар, миллионларча меҳнаткашлар мажбурият қабул қилдилар ва шу йил планларини ва беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариб, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ва маҳсулот сифатини ошириш, янги қувватларни ишга тушириш ва ўзлаштириш муддатларини қисқартириш учун зўр ғайрат билан курашмоқдалар. Қишлоқ меҳнаткашлари уюшқоқлик билан дала ишларини олиб бормоқдалар, келгуси йил ҳосилига яхши замин яратиш йўлида ҳамма чораларни кўрмоқдалар.

Совет кишилари москваликларнинг чақириғи билан эртага бутуниттифоқ коммунистик шанбалигига чиқадилар. Улар бепул зарбдор меҳнат қилиш билан буюк ташаббуснинг олтмиш йиллигини муносиб нишонлайдилар.

Ўртоқлар! Омманинг жонли ижоди ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда ҳам зўр куч билан, хилма-хил тарзда намоён бўлмоқда. Ленин буни социалистик демократиянинг буржуа демократиясига нисбатан ҳал қилувчи афзаллиги деб билди. Капиталистлар, — деб ёзган эди В. И. Ленин — минглаб фирибгарликлар билан, — «соф» демократия қанчалик ривожланган бўлса, шунчалик моҳирона ва нишонга тўғри бориб тегадиган фирибгарликлар билан, — оммани идора қилиш ишларидан... **четга суриб ташламоқдалар.** Совет ҳокимияти оммани идора қилиш ишларига жалб этмоқда. (Асарлар, 28-том. 265-бет).

Ҳозирги бутун воқелик бу гапларнинг тўғрилигини жуда яққол тасдиқлайди. СССРда партия раҳбарлигида ривожланган социализм сиёсий системасининг вужудга келтирилганлиги давлат ва жамоат ишларини бошқаришда меҳнаткашларнинг тобора актив иштирок қилишини, инсоннинг реал ҳуқуқлари ва эркинликларини юксак гражданлик масъулиятини сезиш билан бирга кўшиб олиб боришни таъминлайди. Совет сиёсий системаси чинакам халқ, чинакам демократик система бўлиб, коммунистик бунёдкорлик вазифаларига жуда ҳам мос бўлиб тушади.

Халқ депутатлари советлари тузумимизнинг чуқур демократизмини мужассамлаштиради. Революция ўти ичида вужудга келган советлар ёндиликда умумхалқ давлатининг сиёсий негизидир. Советлар,— деган эди Ленин, — меҳнаткашлар оммасининг ўзининг бевосита ташкилоти бўлиб, шу оммага давлатни ўзи тузиб олишни ва уни идора қилиш имкониятини осонлаштиради (Асарлар, 28-том, 265—266 бетлар).

Неча ўн миллионлаб меҳнаткашлар касаба союзлари, комсомол, халқ контроли органлари орқали социалистик хўжалик юритиш, социал ва маданий ривожланиш масалаларини ҳал этишда бевосита қатнашмоқдалар. Ана шу ташкилотлар ва бошқа оммавий ташкилотлар самарали иш олиб бормоқдалар, коммунистик қурилишда актив роль ўйнамоқдалар.

Коммунистик партия сиёсий системамизнинг ўзаги бўлиб, барча давлат ва жамоат ташкилотларининг эътибори ва куч-ғайратини социалистик демократияни янада ривожлантиришга йўналтиромқда. Коммунизм қуриш учун кураш манфаатлари шуни тақозо этади ва бу — совет жамияти сиёсий системасини ривожлантиришнинг асосий йўналишидир.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда ишдаги ошкоралиқни кенгайтириш, халқ контролини кучайтириш, жамоатчилик фикрини доим ҳисобга олиш, танқид ва ўзўзини танқид қилишни ривожлантириш катта аҳамиятга эгадир. Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаб ўтганидек, ҳар бир совет кишисининг давлат ишларида қатнашаётганлигини ҳис эта олиши, унинг фикри, овози эшитилиб, катта ва кичик қарорларни ишлаб чиқишда эътиборга олинишига ишонч ҳосил қилиши муҳимдир.

Бутун халқ СССР янги Конституциясининг ижодкоридир. Бу Конституция гражданлик ҳуқуқлари ва эркинликларини анча кенгайтирди, совет кишиларининг ўз кучларини сарф қилишлари, ҳаётнинг барча соҳаларида ўз қобилиятларини рўёбга чиқаришлари учун ғоят қулай имкониятларни вужудга келтирди. Бу Конституция давлатчилигинг, етук социализм ижтимоий муносабатлари бутун системасини энг характерли, энг барқарор ҳислатларини мустаҳкамлаб, совет демократизмини ривожлантиришда янги, янада юксак босқичга ўтилганлигини билдиради.

Март ойида СССР Олий Советига ўтказилган сайлов совет демократизмининг чинакам танганаси бўлди. Бу сайлов партия билан халқни янада жипслаштириш шиори остида ўтди, сайловчиларнинг сиёсий активлиги ғоят юксак даражага кўтарилганлигини яна намойиш қилди. Овоз беришда барча сайловчиларнинг 99,99 процнти қатнашди. Уларнинг қарийб 99,9 процнти коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодларини ёқлаб овоз берди. Сайлов давлат тузумимизнинг буржуа тузумига нисбатан шубҳасиз устунлигини янги куч билан кўрсатди.

Ленин ўқтириб ўтганидек, буржуа парламентларида меҳнаткашларнинг иштироки минг хил ғовлар билан тўсиб қўйилган. СССР Олий Совети буржуа парламентларидан тамомила фарқ қилиб, чинакам халқ ҳокимияти органини мужассамлаштиради. Олий Совет составининг ярмидан кўпи ишчилар ва колхозчилардан иборат. Унда зиёлилар, ҳотин-қизлар, ёшлар, меҳнаткашлар турли категориялари, мамлакатимизда яшовчи миллатлар ва элатларнинг вакиллари кўп.

Шу кунларда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ва ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Пленум ва сессия сайлов кампаниясини муносиб равишда якунлаштирди. Леонид Ильич Брежневнинг Пленумда ва сессияда сўзлаган нутқларида СССР Конституцияси қоидаларини амалга ошириш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг янгидан тузилган органлари олдига конкрет вазифалар қўйилди. Қабул қилинган қарорлар, шубҳасиз, советларимизда, совет демократиясида мавжуд бўлган буюк ҳаётий кучдан тўлароқ фойдаланиш имконини беради.

Капитализм сиёсий системасининг доимий беқарорлиги, буржуа демократиясининг кризиси давом этаётган бир пайтда сиёсий тузумимизнинг барқарорлиги афзалликлари жуда яққол намоён бўлмоқда. Монополиялар ҳукмронлиги механизмида тобора ҳар хил илғатлар рўй бераяпти. Узоқ давом этаётган ҳукумат кризислари, ҳукмрон доиралардаги кескин низолар, сиёсат соҳасидаги катта жанжаллар, ҳатто ҳокимият юқори доираларини қамраб олган порахўрлик оддий ҳодиса бўлиб қолди. Овоз беришдан бўйин товлаётган сайловчилар сони ортиб боряпти.

Ўртоқлар! Ленин меҳнаткашларнинг онглилиги, уларнинг коммунизм ғояларига садоқати омма бунёдкорлик ижодининг энг муҳим манбаи, социалистик давлатнинг куч-қудратидир, деб таълим берди. Бизнинг бутун тажрибамиз, ҳар кунги амалий ишларимиз буни тўла-тўкис тасдиқлайди. Совет кишиларининг коммунистик эътиқоди нақадар мустаҳкам бўлса, сиёсий маданияти, билимдонлиги нақадар юксак бўлса, улар КПСС мамлакатимизда коммунистик қурилишга раҳбарлик қилар экан, халқаро сиёсат масалаларига доимо эътибор бериб турибди. Барча ички ишларда бўлгани каби бу соҳада ҳам Ленин таълимоти партия учун ишончли компас бўлиб хизмат қилади.

КПСС XXIV съезди қабул қилган ва XXV съезди ривожлантирган тинчлик программаси сулҳ тўғрисидаги тарихий декрет билан ҳамоҳангдир. Октябрь ғалабасидан кейинги иккинчи кундаёқ Ленин советлар съездининг минбарида туриб бундай башорат қилган эди: «Ишчилар ҳаракати сигиб чиқади ва тинчликка ҳамда социализмга йўл очади» (тўла асарлар тўпламн, 35-том, 18-бет).

Ёндиликда биз: кейинги йилларда «совуқ уруш»дан кескинликни юмшатиш сари бурилиш бўлганлиги, жаҳондаги сиёсий иқлимни тубдан яхшилаш истиқболи очилганлиги учун инсоният аввало социалистик ҳамдўстликдан, ишчилар ҳаракати ва коммунистик ҳаракатдан миннатдор бўлмоғи лозим, деб айтишга ҳақлимиз.

Бу самарали ўзгаришлар жуда кўп даражада бизнинг мамлакатимиз, партиямиз роли билан, Леонид Ильич Брежневнинг номи билан боғлиқ эканлиги биз, совет кишиларида ифтихор туйғусини кучайтиради. Бутун тараққийпарвар инсоният Леонид Ильич Брежневнинг сиймосида тинчлик йўлидаги буюк курашчини кўриб турибди. Ер юзидаги миллионмиллион кишилар халқлар ҳавфсизлиги ва бахт-саодати йўлидаги баҳодирона меҳнати учун Леонид Ильичга астойдил миннатдорчилик изҳор этмоқдалар.

Ўртоқлар! Халқаро турмушда ҳозир икки қарама-қарши тенденция яққол кўринib турибди. Бир томондан, турли социал системалардаги давлатлар ўртасида амалий мулоқот, кескинликни юмшатиш доимо янги моддий мазмун билан тўлиб бораётганлиги равшан. Иккинчи томондан, қалтис можароли вазиятлар вужудга келмоқда, империализм ва реакция кучлари бошқа халқларнинг ички ишларига аралашишга уринмоқдалар. НАТО доираларининг қуролланиш пойгасига қамчи босишга қаратилган сиёсати алоҳида хавф туғдирмоқда.

Совет Иттифоқига қарши, социалистик ҳамдўстликка қарши кураш платформасида реакция кучлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишга интилаётган Хитой раҳбарларининг шовинистик, гегемончилик йўли империализм сиёсати билан бирикиб кетмоқда. Пекин раҳбарларининг Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдам тўғрисида 1950 йилда тузилган шартномасининг амал қилиш муддатини тўхтатиш тўғрисида бир ёқлама қабул қилган қарори ҳам уларнинг империализм сиёсати оқимида бориш ниятида эканликларидан далолат беради. Буларнинг ҳаммаси тинчлик манфаатларига зид бўлиб тушади. Хитой халқининг манфаатларига ҳам тўғридан-тўғри зарба уради.

Вьетнам Социалистик Республикасига қарши сурбетлик билан қилинган агрессия Хитой ташқи сиёсатининг ҳақиқий башарасини жуда очиқ фош қилди. Бу агрессия Пекинининг экспансионизмга, гегемончилик муддаоларини, улар Осиёда ва ҳатто бутун дунёда ҳам тинчлик ҳамда стабилликка нақадар катта ҳавф солаётганликларини яққол кўрсатди. Худди қутилганидек, бу жинояткорона авантюра Хитойнинг шармандали мағлубиятига айланди.

Қаҳрамон Вьетнам халқи ўзининг коммунистик партияси раҳбарлигида агрессорларга муносиб зарба берди. Бутун дунёда Вьетнам билан бирдамлик тўлқини мавж урди. Совет Иттифоқи, бошқа қардош мамлакатлар Вьетнамнинг ҳаққоний ишини қатъият билан ҳимоя қилиб чиқдилар. Совет кишиларининг Вьетнам халқига нисбатан чуқур интернационалистик туйғулари уларнинг коммунистик шанбаликда ишлаш натижасида олинадиган маблағдан бир қисмини қардош Вьетнам халқига ёрдам фондига бериш иштиёқида, яна бир карра яққол намоён бўлди.

Партиямиз, совет давлати озодлик ва мустақилликнинг муқаддас ишини қатъий туриб ҳимоя қилаётган социалистик Вьетнам, Лаос ва Кампучия билан дўстликни бундан буён ҳам мустаҳкамлайберадилар, Ҳинди-Хитойдаги барча тинчликсевар халқлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантираберадилар.

КПСС тинчлик сиёсатини изчиллик билан ўтказиб, жаҳон социализми позицияларини янада кучайтиришга интилиб, қардош социалистик мамлакатлар билан муносабатларга алоҳида эътибор бермоқда. Давлатларимизнинг ҳар томонлама баҳамжиҳат ҳаракатида халқлар ўртасидаги муносабатларнинг янги, социалистик типи мужассамлашмоқда, шундай муносабатлар вужудга келишини Ленин олдиндан билган эди.

Мамлакатларимизнинг сиёсий бирлиги марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализмнинг метин негизида йил сайин мустаҳкамланмоқда, уларнинг ҳамма соҳалардаги ҳамкорлиги ривожланмоқда. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг қардош партиялар ва давлатлар раҳбарлари билан учрашувлари шунга самарали кўмак бермоқда. Бу учрашувлар социалистик ҳамдўстликни янада мустаҳкамлашнинг муҳим омилидир.

Социалистик иқтисодий интеграция узлуксиз чуқурлашмоқда. Уни ривожлантиришда ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши муҳим роль ўйнамоқда. Бу ташкилот ўзининг ўттиз йиллик ҳаёти давомида катта йўлни босиб ўтди. Ҳамкорликнинг узоқ муддатли тармоқ программаларини ишлаб чиқиш унинг кейинги йиллардаги фаолиятида сифат жиҳатидан янги қадам бўлди, бу программалар энергетика проблемаларини ҳал этишга, техника тараққиётини жадаллаштиришга, қардош мамлакатлар экономикаси ва халқлари фаровонлигини умуман юксалтиришга қаратилган.

Социалистик иқтисодий интеграция-миллий хўжаликларни юксалтиришга, бутун социалистик ҳамдўстликнинг иқтисодий потенциалини мустаҳкамлашга олиб борадиган ишончли йўлдир.

Социализм мамлакатлари мустаҳкам ҳамжиҳат бўлиб, ҳозирги замоннинг қуролланиш пойгасини тўхтатишдек энг асосий проблемасини ҳал этишга ҳаракат қилмоқдалар. Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг 1978 йилда Москвада бўлиб ўтган кенгашида, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг сайлов олди нутқида баён этилган янги амалий таклифлар ҳам шунга қаратилган.

Ядро қуролини тарқ этиш проблемаси тобора зарур проблема бўлиб қолмоқда. Ядро аслаҳаҳоналарини кўпайтиришга чек қўйиш ва атомнинг қудратли энергиясидан фақат тинч мақсадлардагина фойдаланиш вақти аллақачонлар келган.

Сиёсий соҳадаги кескинликни юмшатиш билан бирга ҳарбий соҳадаги кескинликни ҳам юмшатиш, ҳозирги куннинг амридир. Стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасида янги битим тузиш бу йўлдаги муҳим босқич бўлиши лозим. Совет-Америка музокараларининг муваффақиятли тугалланиши қуролсизланиш соҳасида шундан кейин кўйиладиган қадамлар учун имконият очади.

Совет Иттифоқи турли социал тузумдаги мамлакатлар ўртасида тинч-тотув яшаш принципларини янада қарор топтириш учун муттасил курашиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан олганда Леонид Ильич Брежневнинг ГФРга ўтган йили қилган визити катта аҳамиятга эга бўлди.

Яқин вақт ичида олий даражадаги Совет-Франция музокаралари бўлади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Леонид Ильич Брежневнинг Франция президенти Жискар Д'Эстэн билан навбатдаги учрашуви натижасида Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги самарали ҳамкорлик уфқлари Европада ҳамда бутун дунёда тинчлик ва ҳавфсизлик манфаатлари йўлида янада кўпроқ кенгаяди, деб ўйлаш учун ҳамма асослар бор.

Совет давлати ленинча тинчлик сиёсатини амалга оширар экан, кескинликни юмшатишга муқаррар тус беришга, янги жаҳон уруши хавфини йўқ қилишга интилмоқда. «Бизнинг мақсадимиз,— деди Ўртоқ Л. И. Брежнев,—совет халқи учун мустаҳкам тинчлик ва хавфсизликдан, ер юзидаги барча давлатлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ва тинч ҳамкорликдан иборат. Бинобарин биз шу мақсадга эришиш йўлида куч ва ғайратни аямай, тинимсиз курашаверамиз».

Ўртоқлар! Бизнинг даврмиз — кўпгина мамлакатларда чуқур социал ўзгартишлар давридир. Осиёда ҳам, Африкада ҳам, Лотин Америкасида ҳам халқлар ўз тақдирининг хўжайини бўлишга интилмоқдалар. Бинобарин, истибдод режимларн барбод бўлганида, шу режимлар зулми азобини тортган халқлар ҳам, пировард натижада бутун инсониятнинг тинчлиги ва тараққиёти иши ҳам ютиб чиқади.

Мамлакатимизнинг миллий-озодлик ҳаракатларига чинакам ленинча, интернационалистик муносабати КПСС билан совет давлатининг бутун ташқи сиёсат фаолияти давомида тасдиқланмоқда. Туҳмат-бўҳтонни касб қилиб олган кимсалар «Москванинг қўли бор» деган гапни неча ўн йилларда бери рўкач қилиб келдилар. Энди бу эртакларга ишонадигандар жуда оз. Империализмнинг, реакциянинг «қўли»га келганда эса, «бу қўл» қаерда пайдо бўлмасин, халқларнинг тақдирига, уларнинг озодлиги ва мустақиллигига Яқин Шарқда ҳам, Африка жанубида ҳам, Лотин Америкаси мамлакатларида ҳам — ўтмиш кучлари билан келажак соҳиби бўлган кучлар ўртасида шиддатли кураш давом этаётган ҳамма жойда фожиали из қолдирмоқда.

Бизнинг мамлакатимиз мустамлакачилик зулмидан халос бўлган ўнлаб давлатлар билан ўзаро ҳурмат, эзгу ҳамкорлик ва астойдил дўстлик ришталари билан бирлашган. Биз Ленин васиятларига амал қилиб, бу дўстликни келгусида ҳам мустаҳкамлайверамиз, бу ҳамкорликни ривожлантираверамиз.

Дунёдаги ҳозирги аҳвол кескинликни юмшатишнинг ҳамма душманларига, ҳарбий авантюраларнинг ҳаваскорларига кескин қаршилик қилишни қаттиқ талаб этади. Тинчлик душманларининг киридикорларини СССР синчиклаб кузатиб турибди ва ўз ҳавфсизлигини ҳамда иттифоқчиларимизнинг ҳавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган ҳамма ишларни ўз вақтида қилмоқда. Совет халқи ватанимиз чегараларини сергаклик билан қўриқлаётган, тинчлик посбонлигида қаттиқ турган ўз шавкатли Қуролли Кучларига тўла-тўкис ишониши мумкин.

Тарихнинг боришини тинчлик ва социал янгиланиш кучлари тобора кўпроқ белгилаб бермоқдалар. Революцион ўзгаришлар занжири давом этмоқда. Шундай шароитда ҳозирги замоннинг энг нуфузли сиёсий кучи бўлмиш халқаро коммунистик ҳаракат зиммасига алоҳида масъулият тушади. Унинг жаҳон революцион жараёнидаги обрў-эътибори, жанговарлик қобилияти, роли ортиб бормоқда. Бинобарин, коммунистик партиялар энг илғор назария — Маркс, Энгельс, Ленин назариясига нақадар кўпроқ ижодий ва ижкинлик билан амал қилсалар, бу ҳаракатнинг таъсири ҳам шу қадар кучлироқ бўлаверади.

Бутун дунё коммунистлари, ишчилар синфи ва меҳнаткашларининг бирлиги, интернационал бирдамлиги социализм позицияларини янада мустаҳкамлаш, халқларнинг илғи тинчлиги ва ҳавфсизлигини таъминлаш, демократия ва социал тараққиёт йўлида муваффақиятли курашиш учун ҳозир айниқса зарур.

Ўртоқлар! Совет ҳокимияти ендигина вужудга келган бир пайтда Ленин бундай деган эди: бизнинг советлар республикамиз «халқаро социализмнинг машъали бўлиб ва ҳамма меҳнаткашлар оммаси олдида намуна бўлиб мустаҳкам туради». (Тўла асарлар тўплами, 35-том, 310-бет).

Ленининг бу башорати ҳозир реалликка айланди.

Совет халқининг коммунизм қурилишидаги муваффақиятлари, унинг тинчлик, озодлик ва социал адолат учун барча курашчиларни кудратли интернационалистик қўллаб-қувватлаши туфайли мамлакатимиз зўр халқаро обрў-эътибор қозонди, бу омиллар жаҳондаги воқеаларнинг боришига кудратли, тобора кучли таъсир ўтказмоқда.

Халқимизнинг сиёсий йўлбошчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси халқимизнинг бутун кўп қиррали бунёдкорлик фаолиятига уюшқоқлик ва жўшқинлик, улуғ максад сари интилувчанлик бахш этмоқда. Ўз асосчиси ва устозининг васиятларига астойдил садоқатли партиямиз Ленин баёрғини баланд кўтариб бормоқда.

Яшасин ленинчи Коммунистик партия!

Яшасин коммунизм бинокори — совет халқи!

Яшасин ленинизм!

* * *

Доклад зўр эътибор билан тингланди ва қарсаклар билан қайта-қайта бўлиниб турди.

Тинчлик ва социал тараққиёт учун курашнинг ленинча йўлидан

Ўртоқлар!

Ленин бир неча бор таъкидлаб ўтганидек, сиёсий вайсақилик ва умумий. дабдабали иборалар, кўпданоқ аён бўлиб қолган ҳақиқатларни қуруқ такрорлайбериш — партиянинг руҳига тамомила ётдир. Ҳаққонийлик, илмга асосланиш, равонлик ,аниқ синфий позицияларда туриб, ички ва халқаро ҳаётнинг етилган проблемаларини, содир бўлаётган воқеаларнинг маъносини чуқур ва зудлик билан тушунтира билиш маҳорати — партия пропагандасининг, бутун идеология ишининг мустаҳкам ленинча принциплари бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Бизнинг партиямиз янги жамиятни барпо этиш жараёнида миллионларча кишиларнинг иродаси ва куч-ғайратини ягона қудратли оқимга бирлаштирмоқда. Ҳар бир совет кишиси ўз меҳнати билан коммунизм тантанасини яқинлаштиради. Партиянинг ленинча сиёсатини омманинг жонли ижоди билан узвий равишда қўшиб олиб бориш — барча ғалабаларимизнинг гаровидир!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

(Боши 1-бетда).

Президиум мажлисида Совет Иттифоқи билан Афғонистон Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида 1978 йил 5 декабрь куни Москвада имзоланган шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Шартномани ратификацияга тақдим этган СССР Министрлар Совети номидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри **А. А. Громико** ахборот берди. У шуни қайд этдики, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Афғонистон Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида Совет томонидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, Афғонистон томонидан эса АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, АДР Революцион Кенгашининг Раиси Н. Тараки имзолаган шартнома Совет-Афғон алоқаларини ҳар томонлама кенгайтириш ва чуқурлаштириш жиҳатидан ҳам, шунингдек Осиё қитъасидаги тинчликни, бинобарин, умуман дунёдаги тинчликни мустаҳкамлаш нуқтаназаридан ҳам тарихий аҳамиятга молик.

1978 йил 27 апрель куни Афғонистонда халқ-демократик партияси раҳбарлигида чинакам халқ революцияси ғалаба қозониб, бунинг натижасида Афғонистон Демократик Республикаси эълон қилинди. Афғон халқи ўзи танлаб олган йўлда қўйган дастлабки қадамлари социал адолатсизликни, иқтисодий ва маданий қолоқликни абадий тугатишга, халқни эксплуатация ва ижтимоий зулмдан ҳалос қилувчи ҳақиқатан ҳам мустақил Афғонистонни барпо этишга революцион азму қарор берилганини кўрсатиб турибди.

Совет кишилари Афғонистон революциясининг дастлабки қадамларини ҳайрихоҳлик билан кузатиб турибдилар ва Халқ-демократик партиясига, Афғонистон ҳукумати ва халқига афғон халқи манфаатлари ва унинг фаровонлиги йўлида демократик ўзгартишларни амалга оширишда чин кўнгилдан муваффақият тилайдилар. Апрель революциясидан кейин Совет Иттифоқи Афғонистон Демократик Республикасини биринчи бўлиб таниди ва бизнинг ленинча ташқи сиёсатимизга мувофиқ афғон халқининг янги турмуш қуриш йўлидаги кучғайратларини қатъият билан қўллаб-қувватлашини билдирди.

Сўнгра А. А. Громико Совет-Афғонистон шартномасининг мазмунини таърифлади, унинг асосий қоидаларини тушинтирди, бу шартнома мамлакатларимиз халқларининг манфаатларига, БМТ Устави мақсадлари ва принципларига тўла мувофиқ равишда тузилганини таъкидлади.

СССР Олий Совети палаталари ташқи ишлар комиссиялари номидан сўзга чиққан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари, Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси **Б. Н. Пономарев** бундай деди: Олий Совет комиссияларида шартноманинг муҳокама этилиши бу —катта сиёсий аҳамиятга молик ҳужжат эканини тасдиқлади. Бу ҳужжат иккала мамлакат халқларининг узоқ муддатли, туб манфаатларига батамом мос бўлиб тушади, Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ишига хизмат қилади.

Комиссияларнинг аъзолари ўз нутқларида таъкидлаб ўтишганидек, шартнома тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги курашнинг КПСС XXV съезди ўртага қўйган программасини амалда рўёбга чиқаришга қўшилган муҳим ҳиссадир.

Шартноманинг 8-моддасига мувофиқ томонлар Осиё мамлакатлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришга, улар ўртасида тинчлик, яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатишга ва Осиёда самарали хавфсизлик системасини вужудга келтиришга кўмаклашиш мажбуриятини олади.

Шартноманинг бу қоидаси Пекин раҳбарлари қаҳрамон Вьетнам халқига қарши агрессия қилган, Афғонистонда ва ундан ташқарида ҳукуматга қарши унсурларни бевосита қўллаб-қўлтиқлаётган кейинги вақтларда алоҳида аҳамиятга эгадир.

АДР Революцион Кенгаши шартномани яқинда ратификация қилганлиги бу шартномани афғон халқининг кенг оммаси қизғин қўллаб-қувватлаб, маъқуллаганлигидан далолат беради. Янги Совет-Афғон шартномасини Осиёнинг ва бутун дунёнинг тараққийпарвар жамоатчилиги табриклади.

Б. Н. Пономарев ташқи ишлар комиссияларининг номидан шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги таклифни киритди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси **Ш. Р. Рашидов** шартномани маъқуллаб гапирди. У қуйидагиларни таъкидлади: бу шартнома бизнинг Афғонистон Демократик Республикаси билан муносабатларимизга мустаҳкам ва узоқ муддатли асос яратади. Шартнома сиёсатдан тортиб маданият ва споргача бўлган турли соҳаларда кенг ва кўп томонлама ҳамкорликнинг амалда барча жиҳатларини қамраб олади. Унда бизнинг шу мамлакат билан алоқаларимиз, шу жумладан халқаро майдондаги ҳамкорлигимиз ҳам ривожланадиган асосий, бош йўналишдан белгиланган. Совет-Афғон шартномаси кескинликни юмшатиш жараёнини Осиё қитъасига ёйишга кўмаклашади. Айни вақтда у Пекиннинг Осиёдаги ва бутун дунёдаги гегемончилик сиёсатига тўсқинлик қилувчи мустаҳкам ғов ҳам бўлади.

КПСС Бошқирдистон область комитетининг биринчи секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси **М. З. Шокиров** тузилган шартномадан астойдил мамнуният изҳор қилди. СССР, деб таъкидлади, у Афғонистон республикаси билан ҳамкорликни ривожлантириб, мустаҳкамлар экан, у билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат ўзининг интернационал бурчи ва ўзгармас йўлига амал қилади. Афғонистон — бизга қўшни мамлакат бўлиб, у билан тинчлик ва осойишталик чегарамиз салкам 2400 километр масофага чўзилган. Шартноманинг тузилганлиги СССР билан АДР ўзаро муносабатларининг сиёсий ва ҳуқуқий негизини сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга аҳд қилганликларининг яққол ифодасидир.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **М. Холов** ўз нутқида бундай деди: барча совет кишилари, шу жумладан Афғонистон Демократик Республикасига чегарадош Совет Тожикистонининг меҳнаткашлари Совет-Афғон шартномаси тузилганлигини зўр мамнуният билан кутиб олдилар. Афғон халқи шу кунларда Апрель революциясининг бир йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда, деди сўнгра у. Афғон халқи революция туфайли қўлга киритган ютуқлар талайгина. Аввало меҳнаткаш халқ ижтимоий-сиёсий ғалабаларининг мустаҳкамланганлиги, бутун мамлакатни қамраб олган демократик ер ислоҳоти, феодализм негизлари ва жабрзулм тугатилганлиги, хотинқизлар озодликка чиқарилганлиги, саводсизликка қарши кураш, аҳоли кенг оммасини актив сиёсий ҳаётга жалб этиш шулар жумласидандир. М. Холов шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади.

Шу масала юзасидан нутқ сўзлаган **Л. И. Брежнев** қуйидагиларни айтди:

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Афғонистон Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг бугун муҳокама этилганлиги бу жуда муҳим сиёсий ҳужжатнинг моҳияти ва аҳамиятини етарлича тўлиқ айтиш мумкинки ҳар томонлама характерлайди.

Даставвал бу шартномада давлатимизнинг асосчиси Владимир Ильич Ленин бошлаб берган совет ташқи сиёсатининг изчил йўли яққол кўриниб турибди. Айтиш мумкинки, шартнома — Совет-Афғон муносабатларини қарор топдиришга шахсан Владимир Ильич қўйган озгу асосларнинг ҳозирги шароитда конкрет ривожлантирилишидир.

Шу муносабат билан Владимир Ильич бундан олтмиш йил муқаддам гражданлар уруши алангаси ичида қолган Россиядан «ўз эркинлигини чет эллик золимлардан қаҳрамонона ҳимоя қилаётган мустақил афғон халқига» йўллаган биринчи табрикномасини эслаш кишини гоят тўлқинлантиради.

Эндиликда иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларда ишонч ва яхши қўшничилик уруғлари дурст униб чиқди. Ленин афғон халқига мурожаат қилиб, Россия Афғонистоннинг абадий биринчи дўсти бўлиб қолади, деган эди. Мазкур шартноманинг тузилганлиги буни тасдиқловчи яна бир далилдир.

Айни вақтда бугун биз ратификация қилаётган шартнома Совет-Афғонистон муносабатларида сифат жиҳатидан янги босқич бошланганлигини билдиради. Бир йил бурун феодал режимга барҳам берган халқ революциясининг галабаси, Афғонистонда халқ демократик ҳокимияти ўрнатилганлиги бу муносабатларда янги уфқларни очди. Ҳозир ҳам Москвани Қобулдан илгаригидек минглаб километр масофа ажратиб турибди, лекин ўтган бир йил ичида мамлакатимизнинг халқлари бир-бирларига яқинроқ бўлиб қолди.

Совет халқи дўст Афғонистон халқига интернационал ёрдам ва мадад бермоқда. Афғон революциясининг мақсадлари, меҳнаткашлар оммасининг манфаатларини кўзлаб ўтказилаётган социал-иқтисодий ўзгартишлар бизга яқин ва тушунарлидир. Ана шу вазифаларни бажариш енгил иш эмас. Бу иш ички ва ташқи душманларнинг қаршилигини енгиб ўтишни, сабот, матонат, жипсликни талаб қилишини биз ўз тажрибамиздан биламиз. Аммо биз шунга қатъий аминмизки, янги демократик Афғонистон барча синовлардан муваффақиятли ўтади.

Шартномамиз Совет-Афғон муносабатларини мустаҳкамлайди, бошқа бирон бир мамлакатга қарши қаратилган эмас, уларнинг қонуний манфаатларига путур етказмайди. Совет Иттифоқи бир неча марта таъкидлаганидек, у Афғонистон янги раҳбарларининг блокларга қўшилмаслик сиёсатига амал қилиш, барча давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги муддаосига тушиниб муносабатда бўлади.

Шартнома Афғонистон халқига тинчлик ва хавфсизлик шароитида бунёдкорлик ва тараққиёт йўлидан дадил боришига имкон берадиган ташқи сиёсий иқлимни вужудга келтиришга ёрдам беришга аминмиз. Шундай вазиятни сақлаб туриш эса дунёнинг шу районидаги барча давлатлар, ҳамма халқларнинг манфаатларига, умуман халқаро кескинликни юмшатишни мустаҳкамлаш вазифаларига мос бўлиб тушади.

Пировардида Л. И. Брежнев Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Афғонистон Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ратификация қилишни таклиф этади ва шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги фармон лойиҳасини овозга қўяди.

СССР Олий Совети Президиуми Совет Иттифоқи билан Афғонистон Демократик Республикаси ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани бир овоздан ратификация қилади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги фармонга ва ратификация ёрлиғига имзо чекади.

Шундан кейин СССР Олий Совети Президиумя 1979 йил апрель-декабрь ойларида СССР Олий Советида ўтказилиши мўлжалланаётган асосий тадбирлар планини кўриб чиқиб, маъқулади.

Мажлисда СССР Олий Совети палаталари доимий комиссияларининг иш плани тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Президиум доимий комиссияларга уларнинг иш планларида кўзда тутилган масалаларни тайёрлаш ва кўриб чиқиш вақтида СССР Конституцияси талабларининг амалга оширилишига, КПСС Марказий Комитети 1979 йил апрель Пленумининг СССР Олий Советининг йўл-йўриқ бериш, координациялаш ва контроллик қилишдан иборат фаолияти барча томонларини янада такомиллаштириш тўғрисидаги кўрсатмалари бажарилишига, алоҳида эътибор беришни тавсия қилди.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ ОБЛАСЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область ва шаҳар комсомол комитетининг Тошкент тўқимачилик комбинатини реконструкция қилиш ва техник қайта қуроллантиришни оталиғига олиб 1979 йилда ишлаб чиқаришнинг асосий касбларини комплектлаш учун комбинат комсомол йўлланмаси билан маълум даврда 7000 ва 3300 нафар ёшни юбориш ҳақидаги ташаббусини маъқуллади.

Тошкент ва бошқа шаҳар ҳамда район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотлари, совет, касаба союз органларига тўқимачилик комбинатига ёшларни танлаш ва юборишда комсомол комитетларига ёрдам бериш тавсия этилди.

Корхона, қурилиш ташкилотлари, колхоз, совхозлар ва ўқув юртлари раҳбарларига Тошкент тўқимачилик комбинатида комсомол йўлланмаси билан бориб ишлашга истак билдирган йигит ва қизларни тўхтовсиз юборишни таъминлаш таклиф этилди.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг дирекцияси, партия, касаба союз ва комсомол комитетларига ишлаб чиқаришга комсомол йўлланмаси билан келган ёшларнинг самарали меҳнат қилишлари, ўқишлари, дам олишлари учун етарли шароит яратиб бериш ва бу борада конкрет тадбирлар белгилаш юклатилди.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарига, область телевидениеси ва радиоэшиттириш бош редакцияларига тўқимачилик ишлаб чиқаришининг илғорлари ва новаторларининг тажрибаларини, комсомол ташкилотларининг комбинатга йигит ва қизларни йўллаш бўйича ташкилий ишларини кенг ёритиш топширилди.

ҲАММА ШАНБАЛИККА!

Москвадаги илғор саноат корхоналари коллективларининг улуғ доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 109 йиллигига бағишлаб, коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини Оҳангарон шаҳридаги барча меҳнаткашлар коллективлари қатори «Сантехлит» заводи ишчи-хизматчилари ҳам бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

— КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг шанбаликда тушадиган маблағнинг 75 процентини Вьетнам Социалистик Республикасига ёрдам фондига ўтказиш

БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

ҳақидаги қарорини бутун коллективимиз зўр мамнуният билан маъқулламоқда, — дейди корхонанинг пешқадам слесари И. Борковец. —Шахсан мен халқимизнинг эркин ижодий меҳнат куни ҳисобланган шанбаликда нормани қами билан 150 процент қилиб бажармоқчиман. Барча маҳсулотни тежалган ҳомашё ҳисобига ишлаб чиқараман.

Корхонанинг пешқадам ишчиларидан — қувур цехи қуювчиси А. Франц, пармаловчи А. Сиропетов ва бошқалар ҳам шу куни самарали меҳнат қилишга ваъда бердилар.

Корхонада шанбалик давомида 220 дона ванна, шартли 120 дона қувур ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Беш йиллик фондига ўтказиладиган маблағ салкам 10 минг сўмни ташкил этади.

Р. ИЎЛДОШЕВ.

ОТАЛАР ЖАСОРАТИ— АВЛОДЛАР АНЪАНАСИ

БУНДАН 60 йил муқаддам бошланган 15 ишчининг шанбалик ўтказиш бўйича ташаббуси — партиянинг «революциячасига ишлаймиз!» чақириғига жавобан бўлиб, бутун мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёйди. 1919 йилнинг 12 апрелида Москва-Сортировочная депоси ишчи-коммунистлари меҳнат сменасидан ташқари 10 соатдан ҳақ олмай ишлашни аҳд қилишди. Улар шу куни учта паровозни ремонт қилиб беришди. Аҳил бўлиб, жонфидолик билан меҳнат қилишлари ана шу натижани берди.

Депо ишчилари бундай ташаббусни бошлаш билан бирга, Колчак бандалари тугаганга қадар ҳар шанба кечаси то тонг отгунча ишлашга бел боғлашди. Буни Москва—Қозон темирйўли коммунистлари ҳам қўллаб-қувватлашди ва шу кундан эътиборан тарих саҳнасига шанбалик — «қизил шанбалик» бўлиб кирди ҳамда эркин меҳнат қилишнинг чиндан ҳам тантанасига айланди.

В. И. Ленин ишчилар ташаббусини дарҳол қўллаб-қувватлади. «Буюк почин» номли мақоласида дастлабки шанбаликларни таҳлил қилиб, уларни омманинг меҳнатга коммунистик муносабатининг ёркин намунаси деб таърифлади. В. И. Ленин бундай деб ёзган эди: «Россиянинг ҳозирги тузумида коммунизмга хос бирон нарса бор экан, у фақат ўтказилаётган шанбаликлардир, қолган нарсалар эса социализмни мустаҳкамлаш учун капитализмга қарши олиб борилаётган курашдангина иборат, социализм тўла ғалаба қозонгандан кейин ундан коммунизм ўсиб чиқади, бу коммунизмни биз ҳозир китоблардан ўқиб эмас, балки ўтказилаётган шанбаликларда ҳақиқий турмушда кўриб турибмиз».

Бу улуғ починда Владимир Ильичнинг шахсан иштирок қилганлиги ўзига хос тарих саҳифаларига олтин харфлар билан битилгандир. Ўша 1919 йилдаги биринчи коммунист-ишчилар ташаббуси орадан бир йил ўтгач, партиянинг IX съездида умумлаштирилиб, 1920 йилнинг Халқаро бирдамлик куни — Биринчи Май умумроссия шанбалиги деб эълон қилинди. В. И. Ленин Кремлдаги пулеметчилар курси курсантлари ва партия-ҳукуматимиз масъул ходимлари билан шанбаликда актив иштирок этди.

Оммавий Биринчи май шанбалигида Иттифоқ бўйича 15 миллионга яқин кишн қатнашди, улар кучи билан 240 миллион сўмга яқин пуллик иш бажарилди. Бу ўринда бажарилган ишнинг пули эмас, балки оммавий тус олганлиги, миллионмиллион кишиларнинг онгли ва интизомли меҳнатга жалб қилинганлиги жуда қимматли эди. Шунинг учун ҳам Владимир Ильич ҳақли равишда бундай меҳнатимиз билан коммунизм қурамиз, деган эди.

Бутун мамлакат бўйлаб бу анъана кенг қулоч ёзаверди. Айниқса, биринчи беш йилликлар даврида «стахановчи», «зарбдор» деган тушунча кенг тарқалди. Меҳнат коллективлари шанбаликларда ҳам зарбдорларча иш кўрсатдилар. Жумладан, Ўзбекистон комсомол-ёшлари иккинчи беш йилликда алоҳида жасорат кўрсатиб меҳнат қилишди. Биринчи бўлиб СССР Олий Совети депутати бўлган зарбдор тўқувчи М. Абдурахмонова, пахта ҳосилдорлигини гектар бошига юз центнерга етказиш учун курашаётган И. Раҳматов каби ва бошқалар ташаббуси кенг оммалашди. Шанбаликларда алоҳида намуна кўрсатиб ишлаганлар сони кун сайин ошиб борди. Биргина Тошкент тўқимачилик комбинати биринчи навбатда 700 га яқин ёшлар, Каттақўрғон ёғ заводида 320 дан ортиқ ёшлар ўнларча минг сўмлик шанбалик маблағини тўплашди.

Умуман, Иттифоқ бўйича 60 йил мобайнида Коммунистик шанбаликлардан 1 миллиард сўмдан зиёд жамоат маблағи тўпланди. Бу тўпланган маблағ эвазига Совет кишиларининг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, ўнлаб, юзлаб маданий-маиший бинолар барпо қилиш, ободонлаштириш ишларини уюштириш, касалхоналар, мактабгача ёшдаги болалар ва бошқа муассасалар бунёд қилиш имкониятига эга бўлинди. Биргина 1974 йилда 18,7 минг ўринли ҳунар билим юртлари шанбалик маблағи ҳисобига қурилди.

Бугунги ривожланган социализм шароитида бу оммавий ташаббус барча совет кишилари, айниқса, ёшлар томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Сўнгги етти йилда шанбалик қатнашчилари сони 120 миллион кишидан 197 миллион нафарга етди. Улар томонидан амалга оширилган ишлар ҳажми янада улкандир.

Бу йилги шанбалик интернационал аҳамиятга эгадир. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети совет кишиларининг илтимосини ҳисобга олиб шанбаликда тушадиган маблағнинг 75 процентини Хитой агрессияси оқибатида Вьетнам Социалистик Республикасига етказилган жароҳатини тугатиш фондига беришга қарор қилдилар. Уни мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари қаторн, областимиз ишчилари, колхозчилари, зиёлилари томонидан тўла қўллаб-қувватланди. Шунинг учун ҳам шанбаликнинг ҳар бир иштирокчиси бу коммунистик меҳнат байрамини ҳар томонлама уюшқоқлик билан, самарали ўтишига азму-қарор қилди. Бу билан улар ўзларининг халқимизнинг шу ажойиб анъанасига содиқ эканликларини яна бир бор намойиш қиладилар.

Коммунистик меҳнат шанбалиги, эркин меҳнат тантанаси давом этаверади.

К. НОРМАТОВ,
тарих фанлари кандидати.

МЕҲНАТ БАЙРАМИ

ҚИЗИЛ шанбаликда Тошкентдаги 9-ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари ва педагогик коллективи фаол иштирок этишади. Шу куни билим ва ҳунар даргоҳининг мингдан ортиқ ўқувчиси ва 120 ўқитувчи катта ҳажмдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширишади. Улар ўз билим юртлари территориясини ободонлаштириш билан бирга, Чилонзор кўчасининг Волгоград бекатидан то 16-шаҳар касалхонасигача бўлган қисмида ариқларни тозалаш, дарахтларни оқлаш ишларини бажарадилар.

Шунингдек, билим юртининг 3-курс ўқувчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти ва бошқа босмахоналарда В. И. Ленин ҳақидаги китоб ҳамда бошқа нашрларни чоп этишда қатнашадилар.

И. СОЛИЕВ,
9-ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиси.



120 МИНГ 670 ЙЎЛОВЧИГА ХИЗМАТ

МОСКВАЛИК илғор саноат корхоналарининг доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 109 йиллиги шарафига коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини пойтахтимиздаги барча корхона ва ташкилотлар, муассасалар якдиллик билан қувватладилар. Коммунистик шанбалик куни юксак меҳнат унумдорлигига, ҳизмат сифатини яхшилашга аҳд қилганлар орасида трамвай-троллейбус бошқармасига қарашли 2-трамвай депосининг коллективи ҳам бор.

Депо ишчи ва хизматчилари бугун қилинадиган барча ишлар режасини олдиндан тузиб қўйишган. Шанбаликда 480 киши қатнашади. Бугун депомиз трамвайлари хизмат кўрсатадиган маршрутларда одатдаги 85 та ўрнига 90 та трамвай вагонлари йўлга чиқиб, уларнинг бари тежалган электр энергияси ҳисобига ишлайди ва 120 минг 670 йўловчини манзилига етказиб қўяди.

Депо ремонтчилари ҳам шанбаликда актив қатнашиб, смена нормаларини 1,5—2 бараварга етказиб бажаришга ва 16 та вагонни ремонтдан чиқаришга аҳд қилдилар. Булардан ташқари, катта территорияда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилади.

Х. ЖУМАНАЗАРОВ,
депо ишчиси.

ДАЛАЛАР ФАЙЗИ

Усмон ЮСУПОВ номли аграр-саноат бирлашмаси боғ-роғлари, корхоналарининг файзи бугун ўзгача тус олади. Ҳамма жойда меҳнат кўтаринкилиги ҳукм суради.

Бирлашма корхоналари ва далаларининг 3600 дан ортиқ меҳнаткаши ишлаб чиқаришда иштирок этади. Кўплаб консервалар тайёрланади, боғларга ишлов берилади, узумзорларда ток новдаларини тараш ишлари билан шуғулланилади.

Бугун бирлашма бўйича ҳаммаси бўлиб салкам юз минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Тушадиган 6,7 минг сўмлик иш ҳақи беш йиллик фондига берилади.

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Корхонамиз чеварлари совет халқининг ажойиб анъанаси бу гал ҳам ҳар томонлама уюшқоқлик билан ўтиши, ҳақиқатан ҳам коммунистик меҳнат байрамига айланиши учун зарур чоратадбирларни белгилашди. Деярли барча ишчи ва хизматчилар шу куни нормани ортиғи билан адо этиш мажбуриятини олишди. Ўнлаб чеварларимиз оддий кунлардагига нисбатан 1,5 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқаришади. Зарифа Жондорова, Қурбонбувш Содиқова, Нигора Иноқова, Фотима ва Зуҳра Бўриевалар ҳамда бошқа тикувчилар шулар жумласидандир.

Шанбалик давомида корхонамизда икки смена ишчи-хизматчилари қами билан 220 та костюм тикишади. Бу кунлик топшириқдагидан 10 та кўпдир.

Ўнинчи беш йиллик тўртинчи йилининг ўтган биринчи кварталида пландагига қўшимча реализация қилган маҳсулотимиз 9 минг сўмликни ташкил этди. Биз бу ютуқни бундан буён ҳам мустаҳкамлашга астойдил ҳаракат қиламиз. Коммунистик шанбаликда фаол иштирок этиш билан ана шу йўлда яна бир меҳнат ғалабасини қўлга киритамиз, халқимизнинг бу ажойиб анъанасига содиқ эканлигимизни яна бир намойиш қиламиз.

Ш. ЧИНПЎЛАТОВА,
Ленин орденли Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик бирлашмаси Бўка филиали касаба союз комитетининг раиси.

ЗАРГАРЛАР ҲИССАСИ

ПОЙТАХТДАГИ заргарлик заводининг кўп кишилик коллективи меҳнат байрамида ҳар қачонгидан ҳам кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш режасини тузган. Доҳий Ленин туғилган кунининг 109 йиллиги шарафига ўтказиладиган шанбалик корхонада ҳақиқий меҳнат байрами тусини олади. Барча цех ва участкаларда ишчилар ғайрат билан ўз меҳнат постларини эгаллайдилар, хизматчилар эса завод территориясини ободонлаштиришда қатнашиб, юзлаб туп дарахт ва гул кўчатлари ўтказишади.

— Шанбаликда ҳар бир ишчи ўз смена нормасини 150—200 процентга етказиб бажаришга аҳд қилган,— дейди қимматбаҳо металлар цехининг участка бошлиғи А. Набиев.— Биз партия ва ҳукуматимизнинг шанбаликда тушган маблағнинг 75 процентини қаҳрамон Вьетнамга ёрдам фондига ўтказиш тўғрисидаги қарорини мамнуният билан кутиб олдик.

Заргарлар бугун ишланган 3,5 минг сўм маошларни ўнинчи беш йиллик фондига ўтказишга аҳд қилдилар.

Г. МАМБЕТОВА,
заргарлик заводи ҳузуридаги ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиси.

ДАНИЯ Газизова пойтахтдаги 2-пойафзал фабрикасининг пешқадам ишчиси. У шахсий беш йиллик топшириғини уч йилда бажариб, айни кунларда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қиляпти.

Ш. Иброҳимов фотоси. (ЎзТАГ).



ИНТЕРНАЦИОНАЛ ДЎСТЛИК КЕЧАСИ

Интернационал дўстлик клуби аъзолари уюштирган навбатдаги кеча Сурия Араб Республикаси мустақиллигининг 33 йиллигига бағишланди. Кечага Тошкент олий ўқув юртларида таҳсил кўраётган суриялик студентлар ҳам ташриф буюришди.

Мактаб ўқувчиси Ш. Раҳматуллаева совет ва араб халқлари дўстлиги ҳақида араб тилида сўзлади. Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институтининг студенти, суриялик Гассон Зейд сўзга чиқиб, Совет Иттифоқи Сурия Араб Республикасининг ривожланиши йўлида ҳар томонлама амалий ёрдам бераётганлиги учун миннатдорчилик туйғуларини изҳор қилди.

Кечада совет ва араб қўшиқлари, шеърлар янгради. Айниқса, Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмаси асосида араб тилида саҳналаштирилган парча кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Р. МУСАХЎЖАЕВ.

АЛОҚА УЙИ

ҒАЗАЛКЕНТ областимизнинг бўйи ва энига баравар ўсиб бораётган навқирон шаҳарларидан бири. Мармарсозлар, нурчи-қурувчилар, бунёдкорлар сафи тобора кенгаймоқда. Улар учун маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражаси ҳам ошяпти. Яқинда Алоқа уйи қуриб фойдаланишга топширилди.

Қурилиши ва хизмат кўрсатиш характери жиҳатидан республикада ягона ҳисобланган бу алоқа корхонаси уч қаватли бинога жойлашган. Почта, телеграф, шаҳарлараро телефон, телетайп ва хат саралаш цехлари дастлабки мижозларга хизмат кўрсата бошлади. 2000 номерли автомат-телефон станцияси ҳам шу бинога комплексига киради.

ОНАХОН

ҒАЛАБА районидаги «Коммунизм» совхозининг 4-бўлимида истиқомат қилувчи Инсинжон ая Саттарова бахти тўкис аёллардан. Коллективлаштириш даврининг машаққатларини ва уруш изтиробларини татиб кўрган 71 ёшли онахоннинг 12 фарзанди бор. 74 невара, 30 чевараси каттакон хонадонининг соҳибаси.

Қаҳрамон онанинг бош фарзандлари Тожихон ва Тўйинхонлар кўп йиллар хўжаликда меҳнат қилишди. Ҳозирги кунда улар пенсияга чиқишган. Ўғли — совхоз фермасининг механиги Умаржон ўтган йили «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени билан мукофотланди. Ҳайдаржон, Тургунжон ва Озоджонлар ҳам техника билан «тиллашишади». Қизи Карометхон ишчи, ўғли Деҳқонбой эса жисмоний тарбия ўқитувчиси, хуллас ҳаммаси ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларини топиб кетишган.

Ў. МАҲКАМОВ.

БАХТЛИ БОЛАЛИК

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ҳамма жойида бўлганидек, районда болаларнинг истиқболи тўғрисида катта ғамхўрлик қилинмоқда. Улар хушчақчақ, бардам бўлиб камол топяпти. Райондаги мавжуд 44 та мактаб ва шунча мактабгача тарбия муассасаларида меҳнаткашларнинг минглаб фарзандлари таълим-тарбия олмоқдалар.

Калинин посёлкасига жойлашган болалар маскани «Гунафша» деб номланган. Мазкур боғча-яслида 350 нафар жажжи кичкинтой меҳрибон тарбийчилар оғушида. Боғча коллективи халқаро болалар йилини муносиб нишонлашга ҳаракат қилмоқда. Ф. Бюрекова, Ф. Турсунбоева, М. Комилова, Н. Гайнулина сингари мураббиялар келажак эгалари бўлган нуридийдаларни соғлом вояга етказиш учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар.

М. БОТИРОВ,
Н. ҚОДИРОВ.

ЛИРИК МИСРАЛАР

КЎЗЛАРИНГНИ СЕВАМАН

Қизлар ичра кўнглимга ёққан,
Йўлларимга интизор боққан,
Рашк ўтида баъзан қоврилиб
Садоқат деб ёниб-тутаққан,
Ўзгинангни севаман сенинг.
Кўзгинангни севаман сенинг.

Руҳсорингга тикилиб ҳумор,
Кечаларни ўтказай бедор.
Сеҳри бирла бўлайин сархуш,
Нигоҳингни аяма, дилдор!
Кўзгинангни севаман сенинг,
Ўзгинангни севаман дилдор.

Ёруғ юлдуз мисол бошимда,
Парвонасан доим қошимда.
Юрагимга олов ёғилар
Назокатли ҳар қарашингдан, —
Кўзгинангни севаман сенинг,
Ўзгинангни севаман сенинг.

Толар бўлса йулда тулпорим,
Нигоҳинг куч бағишлар, ёрим.
Қиш қаҳридан кулган баҳорим, —
Кўзларингни севаман сенинг,
Ўзгинангни севаман сенинг.

Кўзларингда порлаган қуёш,
Дилга мангу бағишлар бардош.
Ҳаётимнинг сўнгги они ҳам
Кипригингга қўндирмагин ёш, —
Кўзгинангни севаман сенинг,
Ўзгинангни севаман сенинг!

Рустам ҒАНИЕВ.

БАҲОРДА ТУҒИЛАР МУҲАББАТ

Энди унутгандим унинг васлини,
Баҳор келиб яна ёдимга солди.
Севги фасли десам кўклам фаслини,
Яна ўша ҳижрон бағрига олди.

Кўклам кўкартирган ҳар битта япроқ,
Уни эслатгандек бўлади менга.
Вужудимга кўчар ширин бир титроқ,
Ва лекин ул хуршид кўринмас нега?

Баҳорда кўргандим мен уни аввал,
Зори эдим унинг ширин сўзига.
Баҳор келди. Лек у келмади бу гал,
Термулиб боқмоқчи эдим кўзига.

Муҳаббат баҳорда туғилар экан,
Интизор кўзларим йўл пойлаб қолди.
Баҳор севги фасли бўлгани билан
Мени ҳижрон тағин бағрига олди.

Маргуба УСМОНОВА.



СЕРҚУЁШ РЕСПУБЛИКАМИЗДА

ҚАДИМИЙ ва навқирон шаҳарлар Бухоро ва Самарқанд йил сайин гўзаллашиб, чирой очиб бормоқда. Суратларда: Бухоро шаҳрида буюк мутафаккир Абу Али ибн Синога қўйилган ҳайкал. Самарқандда XI асрда қурилган архитектура ёдгорлик ҳанузгача жаҳон аҳлини лол қолдираяпти.

В. Таран фотолари.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ

МАСАЛЧАЛАР

ҚЎЛЛАР ВА ЕЛКА

Юк оғирлигидан Қўллар нолий бошлашди. Шунда юкни индамасдан Елка олди.

УПКА

Юрак бир меъёрда жимгина урар, Упка эса дам шишиб, дам тушиб ҳансираганидан-ҳансираган эди. У гўё ҳамма ишни мен қилаяпман, деб ўйларди.

— Упкаламагину, ўртоқ, ҳақиқий ўпкасан-да, — деди бир куни унга Юрак.

ЧАҚМОҚ ВА МОМАҚАЛДИРОҚ

— Нега сен чақилганингдан кейин нуқул кетингдан момақалдироқ гулдирайди? — деб сўрашди Чақмоқдан.

— Коронғу зулматни ёритмоқчи бўлганим ичи қора Булутга ёқмайди, шунинг учун нуқул менга ўшқиргани-ўшқирган, — деди Чақмоқ.

ТИЛ ВА ТИШЛАР

— Вой-во-ей, мунча йўлимни тўсасизлар? Уз ҳолимга кўясизларми, йўқми, ахир? — деб бобиллаб кетди Тил Тишларга.

— Ҳаддингдан ошганингда, бироз тийиб қўямиз, холос,— деб жавоб беришди Тишлар.

ТОБОН

— Э, суяклар ўз йўлига, бутун гавдани мен бир парча гўшт кўтараман-а...

ШАПАЛОҚ

— Ҳой, бармоқлар, бироз тўхтанглар, ўзингизни босинг, қизишманг, ахир сиз — Шапалоққа айлангансиз...

ТОМОҚ БИЛАН ОШҚОЗОН

— Вой, Томоғ-ей, суриштирмасдан нимани бўлса ўтказиб юбораверади. Қийин-қийин — менга қийин... — оғир пишларди Ошқозон.

КАТТА ЙЎЛ ВА СУҚМОҚ

— Қаёққа кетаяпсан, ўзбошимчалик қилмасдан менга қўшилақолсанг-чи!—деди Катта йўл ўзидан узоқлашиб бораётган Сўқмоққа.

— Йўқ, менинг йўлим бошқа, — дедию-ю, Сўқмоқ бурилиб кетибди. Бориб-бориб, аллақайси тўқайда изи қуриб қолди.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ

34-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1979—80 ўқув йили учун ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Штамп ва қурилмаларни тайёрлаш ва созлаш бўйича асбобсоз-слесарлар (йигитлар), саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар (йигитлар), саноат электр асбобларини созловчи электромонтёрлар (йигитлар), токарь-универсал, инкиламчи электр занжирларини монтаж қилувчилар (қизлар), электр машиналари ва аппаратларини йиғувчилар (қизлар), ярим ўтказгичли асбобларни йиғувчилар (қизлар), интеграл-микросхемаларни йиғувчилар (қизлар), чизмачи-конструкторлар (қизлар ва йигитлар).

УҚИШ МУДДАТИ: 8-СИНФНИ БИТИРГАНЛАР УЧУН 2 ЙИЛ, 10-СИНФНИ БИТИРГАНЛАР УЧУН 1 ЙИЛ.

8-синф ҳажмида маълумот билан қабул қилинганлар 3 маҳал бепул иссиқ овқат ва устки кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўрта маълумот билан қабул қилинганларга 30 сўм ҳажмида стипендия берилади.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг учдан бир қисмини оладилар.

УҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА КИРАДИ.

Билим юртини битирганлар конкурссиз ўрта ва олий ўқув юртларига қабул қилинадилар.

ДИҚҚАТ! СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДАН ҚАЙТГАНЛАР УЧУН УҚИШ МУДДАТИ ҚИСҚАРТИРИЛАДИ ВА УЛАРГА 72 СЎМ ҲАЖМИДА СТИПЕНДИЯ ТЎЛАНАДИ.

Ҳунар-техника билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли), автобиография, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт (асли), мактабдан ёки иш жойидан характеристика, ота-онасининг иш жойидан справка, турар жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 6 та 3х4 см. ҳажмидаги фотосурат.

Бизнинг адрес: 700105, Тошкент шаҳри-105, Ленин районн, Манжара кўчаси, 137-уй.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«Главташкентстрой»

«СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ

4-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИГА

экскаватор машинистлари, бульдозер машинистлари, автогрейдер машинистлари; слесарлар, электр газ пайвандчилар, шоферлар.

«Главташкентстрой»

3-ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ 23-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА

гишт терувчилар, электр-пайвандчилар, бетончилар, дурадгорлар.

«ТАШТРАКТОРОСТРОЙ» ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ТРЕСТИГА

газ-электр пайвандчилар, монтажчилар, дурадгорлар, пардозловчилар, гишт терувчилар, бетончилар, бўёқчилар.

«Главташкентстрой»

1-УЙСОЗЛИК КОМБИНАТИНИНГ

1-ПАРДОЗЛАШ ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИГА

буёқчилар, дурадгорлар, пистолетчи-дурадгорлар.

БИЗНИНГ АДРЕСЛАРИМИЗ:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.
ХАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270—уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

БУНИ ОҚИБАТ ДЕЙДИЛАР

Ҳақиқатда шундай...

Улар тўрт оғайни «ботирлар» эди. Қаерда бўлишмасин — ҳоҳ кечасими ёки кундузи ўз олдиларига бир мақсад қўйишарди. У ҳам бўлса кимнидир тунаш, кимгадир панд бериш, қайсидир оилани зор қақшатиш. «Текин томоқ танани силлиқ қилади»,—қоронғида топишган кимсаларнинг шиори шу эди...

Қўни-қўшнилар, ёру-биродарлар Баҳодирнинг энди кўзи очилгандир, бошқаларга ўхшаб бирон-бир ишнинг бошини тутар, фойдали меҳнатга бўйни ёр берар, қолаверса ёшлик қилиб ҳатога йўл қўйган экан, қолган ҳаётини покиза, ҳалол ўтказар деб ўйлашган эди. Афсус, бундай бўлиб чиқмади. Бундан икки йил муқаддам ўғирлик қилгани учун маълум муддат қамоқ жазосини ўтаб чиққач, яна «бойги-бойги бойхўжанинг таёғидек» қинғир ишни давом эттирди.

Ўтган йилнинг охирлари эди. Белгиланган жойда, хидватда «маслакдошлар» қайта учрашишди. Кун кеч бўлиб қолган, уриб ёғаётган қор тузилаётган машъум ниятни озми-кўпми киши кўзидан ниқоблайди. Зеро кўчада ҳаракат ҳам сийраклашган. Фақат аҳён-аҳёнда у ёқдан бу ёққа ўтиб турган кишиларни ҳисобга олмаганда, режани амалга ошириш учун қулай фурсат.

— Дилмурод, фақат чаққон бўл, ўзинга келишга улгурмасданоқ «жиловини» қўлга оласан. Кекирдагига тираб қўйсанг, буёғи ўзи... бор-йўғини икки қўллаб тутқазади. Маъқулми?— деди Баҳодир ва Пўлатиллога юзланди:

— Сен эса бу пайт бошқа хонага кирасан...

Собир Раҳимов район Нодира кўчасидаги 64-уйнинг эшиги бехосдан тақиллаганда Зиёратдан бошқа хонадонда ҳеч ким йўқ эди.

— Қайнингиз Мансурда ишимиз бор эди, кеннойи,— мулойимлик билан юзланди Баҳодир.— Чақириб берсангиз.

— Ғинг десанг кекирдагингни узиб ташлайман, тушиндингми!?.

Кўз очиб юмгунча яхши ниятлар билан йиллар давомида жамғарилган салкам 10 минг сўмга яқин пул ҳамда бошқа буюмлар қўлдан-кўлга ўтди. Зиёрат хушидан кетиб, гиламга юз тубан йиқилди, ташқарида эса ҳамон уриб қор ёғарди. Қор уюмлари озми-кўпми жиноят изини босгандек, йўқотгандек эди...

— Пўлатилло «илинганга» ўхшайди, Бекободдан қайтмади,— костюмининг тугмасини ечаркан, афсусланиш оҳангида уф тортиб қўйди Баҳодир Шоиҳомов. —Падарига лаънат ўша савдони. Шусиз ҳам «тирикчилик» ўтиб турганди. 5—6 юз сўм деб бошини сиртмоққа тутиб бермаган бўлса майлийди. Буёғи нима бўлса, бўлсин-у, ишқилиб терговда оғзидан тулаб қўймаса бўлгани.

Соддадил Зиёрат бу тил ёғламалик замирида қабиҳ ният яширинганини билмай, тунги «меҳмонларни» ичкарига таклиф этди. Остона хатлаб, уйга кирган ҳамоно Дилмуроднинг қўлида алланима ялтирагандек бўлди, келин ўзини йўқотиб, қотиб қолди. Ҳатто шу пайт қўшни хонанинг зулфи сувурилгани, алланарса «шилқ» этиб ерга тушганини ҳам сезмай, эшитмай қолди.

Сал-кундуз кўни уч номаълум шахс юқорида тилга олинган усул билан хонадон эшигини тақиллатишди. Телефон қилиб олиш баҳонаси билан Мавлуда оркасидан ичкарига кириб, унинг тақинчоқларини, пул ва бошқа қимматбаҳо буюмларни ўмариб, қандай пайдо бўлишса, шундай ғойиб бўлишди.

Лекин текинхўрлар бу гал жиноий изларини яшириб кетишга улгуришмади. Район ички ишлар бўлими ходимларининг зудлик билан кўрган чора-тадбирлари туфайли ўн кун ўтар-ўтмас улар қўлга олинишди. Юнусобод массивидаги уйларнинг бирида жиноий режа тузаётганда Баҳодир Шоиҳомов ва Равшан Саидхўжаевлар тумшуғидан илиндилар. Тинтувда стволи қирқилган ов милтиғи, қулфларни бузиш учун махсус тайёланган темир таёқлар, пичоқ ва бошқа қуроллар топилди. Бинобарин, ўғирлик ва текинхўрликка муккасидан кетган ва бунинг натижасида ресторанма-ресторан юриб, айш-ишратга берилган муттаҳамлар «фаолияти» шу билан барҳам топди.

Шунга айтсалар керак-да, кинғир ишнинг қийиғи қинғир йилда ҳам чиқади, деб. Куни кеча тергов ишлари ҳам ниҳоясига етиб, жиноятчилар «насиба»ларига яраша жазо олдилар.

Я. САЛИМОВ,
Т. ИКРОМОВ.

ТЕКИНХЎР ВА БЕЗОРИЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ

— Йўқ эдилар-ку. Бирон-бир гапингиз бўлса, тайинлаб кетинг, келганларида айтиб қўяман.

— Нима қиламиз? — мугомбирона шеригларига кўз қисиб кўйди Шоиҳомов.

— «Записка» ташлаб кетақолайлик.— Баҳодирнинг муродини тушунди Дилмурод Ёқубов... Сизга иш бўлмаса кеннойи, қалам билан қоғоз берсангиз.

Соддадил Зиёрат бу тил ёғламалик замирида қабиҳ ният яширинганини билмай, тунги «меҳмонларни» ичкарига таклиф этди. Остона хатлаб, уйга кирган ҳамоно Дилмуроднинг қўлида алланима ялтирагандек бўлди, келин ўзини йўқотиб, қотиб қолди. Ҳатто шу пайт қўшни хонанинг зулфи сувурилгани, алланарса «шилқ» этиб ерга тушганини ҳам сезмай, эшитмай қолди.


ГУЛЛАР ЧАЙНВОРДИ

1. Республикамизда манзарали ўсимлик сифатида экиладиган гул. 2. Хушбўй ҳид тарқатувчи гул. 3. Атиргулнинг ёввойи ҳолда ўсадиган тури. 4. Барги ўрнига тиканак ўсадиган тропик ўсимлик. 5. Иприк гулли хушбўй ўсимлик. 6. Қирларда ўсадиган алвон ранг гул. 7. Ўсимликларнинг гули, барги ва илдизидан олинадиган модда. 8. Шифобахш ўсимлик. 9. Илк баҳор гулларидан бири. 10. Раъно гуллилар туркумига мансуб хушманзара ўсимлик. 11. Тропик эпаларда кўп экиладиган оқ, майда гулли мевали ўсимлик. 12. Гуллар шаҳри» деб юритилувчи шаҳар. 13. Сув гули. 14. Ўзбекистонда экиладиган атиргул навларидан бири. 15. Тўп гулли шифобахш ўт ўсимлик. 16. Иприк барглн алвон ранг гул. 17. Гулларга сув қуйишда ишлатиладиган асбоб. 18. Гулкосаси ва гултожи беш баргли, қуруқ мевали ўсимлик. 19. Кечга яқин очилиб, қуёш чиқиши билан яна бекинадиган, сурнайсимон гул. 20. Мураккабгулдошларга мансуб икки йиллик ўсимлик. 21. Гулнинг сиртига — биринчи қаторига жойлашган баргчалари. 22. Атиргул гулбаргидан олинадиган хушбўй суюқлик, мой.

Тузувчи: Ш. ҲИДОЯТОВ.

* * *

Чайнвордни ечиб, биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган газетхонларнинг номлари саҳифамизда эълон қилинади.



Спорт

● ХОККЕЙ. Москвада хоккей бўйича ўтказилаётган жаҳон ва Европа чемпионатида совет спортчилари пешқадамлик қилишмоқда. Улар навбатдаги турда Канада командаси билан учрашиб, 5:2 ҳисобида ғалабага эришдилар ва 4 очко тўпладилар. Чехословакия—Швеция учрашувида 3:3 ҳисоби қайд этилди. Чехословакия хоккейчилари сўнгги минутларда шайба киритиб, ўйинни дуранг қилишга муваффақ бўлишди.

● ФУТБОЛ. Тбилисида СССР—Швеция командалари ўртасида халқаро ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди. Биринчи бўлимда ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлим бошланиши билан Реваз Шенгелия ҳисобни очди. Олег Блохин бурчакдан узатган тўпни Вагиз Хидиятулин бош билан дарбозага киритди. Совет спортчилари 2:0 ҳисобида устун келишди.

● САМБО. Пойтахтимиздаги «Меҳнат резервлари» спорт комплексида самбо бўйича Ўзбекистон—Япония спортчилари ўртасида халқаро ўртоқлик учрашуви бўлди. Бунда етакчи спортчиларимиз иштирок этишмаган бўлса-да, командамиз осонликча 7:3 ҳисобида ғалабага эришди. Айниқса Ж. Шарапатов билан Ф. Торохито ўртасидаги беллашув қисқа бўлди. Спортчимиз рақиби устидан 25 секунддаёқ ғалабага эришди. Б. Файзиев, К. Ибатулин, Р. Тўраев, Б. Расулов, Б. Жўраев ҳамда В. Белобровлар ҳам командамизга ғалаба келтирдилар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Бақт. 9.50 — Гимнастика. 10.10 — Моҳир қўллар. 10.40 — Ота-оналар. Сизлар учун. 11.10 — Сизни қизиқтирган китоблар. 12.00 — Дунё воқеалари. 12.15 — Тонгги почта. 12.45 — Совет тасвирий санъати. Ленинома. 13.10 — Здоровье. 14.00 — Шанбалик кундалиги. 14.10 — Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси совет қўшиқлари ансамблининг концерти. 14.30 — Ленин номи мангу яшайди. Шеърий композиция. 14.55 — Ҳайвонот оламида. 15.55 — Камалак. 16.20 — Шанбалик кундалиги. 16.30 — Тўқимачи студия. Кўрсатувни В. С. Зорин олиб боради. 17.05 — Ульяновлар оиласи. Бадиий фильм. 18.55 — Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Танаффус пайтларида янгиликлар ва Спортлото» тиражи. 21.30 — Бақт. 22.05 — Буряти АССР «Байкал» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 22.25 — Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Танаффус пайтида янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Бугун Ленинча коммунистик шанбалик. Репортаж. 10.30 — СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 11.00 — Замондош билан юзма-юз. 11.30 — Ўзбекистон спорти. 12.00— Кинопублицист экрани. Кўрсатув В. И. Ленин хотираси кунига бағишланади. 12.40 — Онолар мактаби. 13.10 — Юмор телезизион театри. 13.50 — Нафосат оламида. 14.10 — Ленинча коммунистик шанбалик кундалиги. 17.35 — Мультфильм. 17.50 — Юлдузча. 18.20 — Қизлибозлик. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг совриги учун мусобақа. 18.45 — Ахборот. 19.00 — Ҳаёт каби тирик. Рус тилини ўрганиш бўйича Бутуниттифоқ конференцияси олдидан. 19.30 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Зарблар ва рақслар. 21.30 — Бақт. 22.05 — Оламда нима гап? 22.35 — Тинч-тинчимаган қариялар. Бадиий фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.35 — Душанба кўрсатувлари.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21/IV да Концерт, 22/IV да Этик нийган мушук (12.00). Афсоналар водийсида (19.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/IV да Паранжи сирлари, 22/IV да Ёшлик куйлайди.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —Янги программа, катта цирк томошалари (21/IV да 13.00, 16.00, 19.30, 22/IV да 12.00, 16.00, 19.30).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент, —П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 33791б, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767, совет қурилиши — 325553; ахборот спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645, фотомухбир — 325894.

Р. 06199. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Е—2378.